O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 5-iyul, chorshanba ✱ № 27 (1038) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www hurriyat.uz

ҚУРИШГА МАҲКУМ БОҒЛАР ЁХУД

«тилла балиқчалар»га сув керак

Маълум бўлдики, қишлоқ ерлари бир ҳафтадан бери навбатма-навбат суғориляпти экан. Бунга улар дарёга харсангтош билан банд уриш, яъни сув олдини тўсиб, қишлоққа сув етказишга эришибди. Кўриниб турибдики, юзага келган муаммони бу йўл билан ҳам ҳал этиб бўлмайди. Бу вақтинча кўрилган чора.

⇨ 2-бет

ЗАРАРКУНАНДА ОҚ КАПАЛАК

Халқимизда ёмон қовуннинг уруғи кўп бўлади, деган нақл бор. Уни бемалол Америка оқ капалагига нисбатан қўллаш мумкин. Чунки бу жонивор деҳқончилик мавсуми узоқроқ давом этадиган жойларда икки марта кўпайиш даврини бошидан ўтказади. Иккинчи авлод вакиллари июль ўрталаридан август ойининг охирларига қадар пайдо бўлади.

⇨ 3-бет

НОҚОНУНИЙ НИКОҲ – ЖИНОЯТ

Кўпхотинлик нафси бузуқлар, ахлоқсизлар удуми, деб қараляпти. Фақат айш-ишрат илинжида юрганларгина иккинчи хотин қилади, тасаввуримизда. Лекин мантиқан ўйлаб кўрилса, жинсий ҳаёт нафақат никоҳда, балки чўри ёки ўйнаш тутишда ҳам, фоҳиша хизматларидан фойдаланишда ҳам назарда тутилади.

⇨ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июль куни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сунни қабул қилди.

✓ Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизнинг турли ташкилотларида учрашувлар ўтказди.

✓ Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 30 июнь куни Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июнь куни Тошкент шаҳрида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

БУХОРОДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Жорий йил 30 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас кун бўлиб тарихга кирди. Анжуманда Президентимиз Шавкат Мирзиёев маъруза қилди ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш ва 30 июнни мамлакатимизда Ёшлар куни, деб эълон қилишни таклиф этди.

Шу муносабат билан «Бухоро маданий маркази»да ўтказилган тадбирда вилоятдаги олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбирда Бухоро вилояти ёшлари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

2 ⏩

МУНОСАБАТ

Катта ишонч

Олимларнинг фикрича, инсон ўз тафаккур қудратининг ярмини ишга солган тақдирда ҳам, ниҳоятда улкан ишларни амалга ошира олиши мумкин экан. Бу одамзод закосининг мўъжизавийлигидандир. Биз юксак истеъдод соҳиби, даҳо деб биладиган, ҳурмат қиладиган зотларни қўя турайлик, ўзимизнинг имкониятларимизни чамаласак ҳам, шу кунга қадар эришган нарсаларимиздан аслида кўпроғига муносиблигимизни ҳис этамиз, бор иқтидоримизни юзага чиқара олмаган бўлсак, бунга фақат ўзимиз сабабчи эканимизни англаймиз.

Мамлакат, жамият ҳам бир бутун вужудга ўхшайди. У ўзининг бор ички имкониятларидан фойдалана олса, қудратли кучга айланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 30 июнь куни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қурултойида сўзлаган маърузасини тинглар эканман, хаёлимдан: "Биз ёшлар Ватан равнақи йўлида бор салоҳиятимизни ишга солсак, имкониятларимизни намоён эта олсак, янада каттароқ натижаларга эриша оламиз, юксак марраларни забт этамиз" деган фикр кечди.

Қурултойда шахсан давлат раҳбарининг ўзи иштирок этиб, ёшлар ҳаётида учраётган, уларнинг йўлига тўсиқ бўлиб турган муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапиргани биз учун ҳам кутилган, ҳам кутилмаган ҳодиса бўлди. Кутилгани шундаки, жамиятимиздаги ҳеч бир соҳа Президент назаридан четда эмаслигига, мана бир неча ойдан бери гувоҳ бўлиб келаяпмиз.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловини эълон қилади.

Танловга **"Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ва 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг маъно-мазмунига мувофиқ яратилган ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

– ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
– босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
– телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
– тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
– кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг паспорти нусхаси;
– иш жойидан тавсиянома;
– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2016 йилнинг 1 августидан 2017 йилнинг 1 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар **"Энг улуғ, энг азиз"** танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

Ҳурматли муштарийлар,

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тарғибот тадбирлари юксак савияда ўтмоқда

Андижонда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами олдидан «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!» шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, вилоят, туман, шаҳарлар ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда таниқли олимлар, шоир-ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандаларидан иборат тарғибот гуруҳлари таълим муассасалари, маданият ва дам олиш масканлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий қисмларда учрашувлар ўтказди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" китобида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларнинг мазмунмоҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари самаралари, халқимиз ҳаётида, онгу тафаккурида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ёшларимиз эришаётган улкан ютуқ ва марралар ҳаётий мисоллар орқали содда тилда тушунтирилди.

Айниқса, Жалақудуқ тумани Ойим шаҳарчасидаги 20- ва Қўрғонтепа туманидаги 23-болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Андижон индустриал-педагогика коллежи, Асака автомобиль саноати касб-ҳунар коллежи, Андижон туманидаги "Равон тараққиёт орзуси" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган тадбирлар иштирокчиларга улкан ғурур ва қувонч бағишлади.

– Бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга кўз тегмасин, – дейди Қўрғонтепа туманида яшовчи меҳнат фахрийси Давлатхон ая Икромиддинова. – Озод ва обод юртимизда тўй-тўйга, байрам-байрамга уланаверсин. Фарзандларимиз бахту камолидан кўнглимиз тўқ, кўксимиз осмон. Мана шундай Ватанда яшаётганимизнинг ўзи улкан бахт. Буни ёшларга тушунтириш, бошимиздан ўтган машаққатлар ҳақида сўзлаб, уларни шукроналик ва доим дахлдорлик туйғуси билан яшашга, тинчликнинг, бебаҳо ёшликнинг қадрига етишга ундаш биз, кексаларнинг бурчимиздир.

Тарғибот тадбирлари Андижон шаҳридаги "Соғлом авлод" стадионида ўтказилган гала-концерт билан якунланди. Қитъа ва жаҳон чемпионатларида, йирик халқаро турнирларда улкан ютуқларни қўлга киритган андижонлик спортчилар ва ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

БУХОРОДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз қурултойда сўзлаган маърузасида ёшларнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, ҳаётда муносиб ўрин топиши йўлида барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганига алоҳида эътибор қаратди. Замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ёшларимиз майдонга дадил чиқиб, бугунги кунда ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этишга қодир, дея юксак ишонч билдирди.

– Мамлакатимизда ёш тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар учун барча шароит яратилаётганини ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз, – деди "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби, Пешку туманидаги "Шуҳратмашсервис агросаховати" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Раҳмонов. – Корхонамизда асосан металл конструкциялар, шунингдек, саноат усулида парранда боқиш учун мўлжалланган катак-қафаслар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотимизга талаб юқори. Берилаётган солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиб, жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан 10 янги иш ўрни яратдик. Президентимиз қурултойда сўзлаган маърузасида ўзининг самарали ва фидокорона меҳнати, Ватанга садоқати билан ўрнак бўлаётган мард ўғлонларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бундан буён ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб қолишини таъкидлаганларида юртимизнинг барча ёшлари қатори бухоролик ёшлар ҳам шундай озод ва обод Ватан фуқароси эканидан қалби фахрга тўлди. Бу барчамизни эл-юртимиз фаровонлиги йўлида янада сидқидилдан меҳнат қилишга ундамоқда.

Ватан, мустақиллик, тинчлик, ёшлик ва эзгуликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев сўзга чиқди.

Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.
Суратлар муаллифи Т.ИСТАТОВ

Катта ишонч

Бошланиши 1-бетда

Ёшлар масаласи ҳақида ҳам шундай катта чиқиш қилинишини, пировардида тизимда муҳим ўзгариш, ижобий силжиш юз беришини ич-ичимиздан ҳис этаётган эдик. Кутилмаганлиги эса Юртбошимизнинг ёшлар ҳаётига биз ўйлагандан ҳам кўпроқ эътибор қаратиб келганликларидир. Хусусан, айрим бошқарув идоралари вакиллари, орган ходимлари томонидан "Камолот"чиларга бўлган салбий муносабатлар тўғрисидаги гаплари, биз ёшлар ёнини олиб айтган сўзлари шу юртнинг ўз ўрнини топишга интилаётган бир фарзанди сифатида мени жуда тўлқинлантирди. Керак пайтда бизни ҳимоя қиладиган қалқонимиз — давлатимиз, Президентимиз борлигидан фахрландим.

Тадбиркорман, мен бошқараётган "Ziyo Globus" хусусий корхонасида ўқув глобусларидан ташқари, деворий осма хариталар, геометрик фигуралар ва линейкалар ишлаб чиқарилади.

2014 йил Президент совғини учун бўлиб ўтган "Ташаббус — 2014" кўрик-танловида қатнашиб, Қибрай туман босқичида "Энг фаол тадбиркор", Тошкент вилояти босқичида "Энг яхши оилавий бизнес соҳиби", Республика босқичида "Ёш фахрий қатнашчи" номинацияларида ғолиб бўлганман. Шунингдек, ўша йил "Камолот" ЁИҲ томонидан уюштирилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танлови Республика босқичида ғолиб бўлдим.

Бироқ мен эришган натижаларимдан асло қониқмайман. Мақсадларим, ғояларим кўп. Уларни амалга ошириш учун аниқ режаларга ҳам эгаман. Мени қувонтиргани, юксак марралар сари энди менга янада кенг қанот берадиган ташкилот бор — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи. Унинг имкониятлари янада кенгайгани, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбари айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб бориши, шу билан бирга, у Президент фармонига биноан Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланиши, ташкилотнинг Қорақалпоғистондаги кенгаши раиси Республика Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоят, туман ва шаҳар бўлинмаларининг раҳбарлари эса тегишли ҳокимларнинг ёшлар сиёсати бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши — биз ёшларга, ташкилотимизга билдирилган катта ишончдир.

Бобур ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аъзоси, "Зиё Глобус" хусусий корхонаси раҳбари

Қуришга маҳкум боғлар ёхуд

«тилла балиқчалар»га сув керак

ОЧИҚ ГАП

Тилла балиқча ҳақидаги эртак ёдингиздами? Тўрга тушган балиқча чолдан уни сувга қўйиб юбориши эвазига хоҳлаган тилагини бажо келтиришини айтиб, илтижо қилади. Чунки сувсиз тилла балиқ ҳам ҳеч қандай каромат кўрсатолмаслиги тайин. Аслини олганда, ер юзидаги барча яратиқлар учун сув бирдек азиз. Сайёрамизнинг 70 фоизи мана шу бебаҳо неъмат билан қопланган. Инсон танасида ҳам шунча миқдорда сув бор. Табиийки, сувсиз одамзод ҳам ҳалокатга юз тутади. Гапни бу азиз неъмат ҳақидаги эртак ва рақамлардан бошлашимизга сабаб бор.

Яқинда Қибрай тумани Тузел қишлоқ фуқаролар йиғини, Миришкор маҳалласида яшовчи 85 ёшни қоралаган Неъматжон ота таҳририятимизга телефон орқали мурожаат қилди. Отахоннинг сўзларига кўра, ҳудудда бир ойдирки сув йўқ. Барча фермер хўжаликлари, аҳоли ерлари сув танқислигидан азият чекаётган экан. Натижада экин ерлари сувсизликдан қовжираб, ҳосили йиғиштириб олинган далалар кечки экинга сув йўқлиги сабаб ҳануз тайёр эмас. Чирчиқ дарёсида сув босими кўпайиши оқибатида Қибрай туманидаги Парнобод тўғонини сув уриб кетаётгани муаммонинг асосий сабаби, деб айтилди мурожаатда. Отахоннинг сўзларига кўра, қачонки тўғон беркитилиб, сув босими камайтирилсагина қишлоқ ерлари ана ўшанда сув ичиши мумкин экан. Ажабо... Сувни исроф қилмаслик, ичимлик сувининг тобора камайиб бораётгани, сув муаммоси кун мавзусига айланиб улгурган маҳалда сув бўла туриб (ҳатто керагидан ортиқ), сув ичолмай қуриётган боғлар, шудгор ва экинни кутиб бўш ётган ерлар тақдири бизни қизиқтириб қўйди.

Шу боис масалага ойдинлик киритиш, муаммони ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Миришкор маҳалласига йўл олдик. Даставвал дарёни бориб кўрдик. Ҳақиқатда сув пишқириб оқяпти. Чирчиқ дарёси бўйига борганимизда тўлқинларнинг мавжланишидан, бўйсунмас айғирдек шиддат билан оқаётган сувни кўриб, бизни озроқ ваҳм ҳам босди. Олдингда шундай шошқин дарё бўлатуриб, чанқоғингни босолмасанг-а?!

Қишлоқ хўжалигини сувсиз канал, зовур ва ариқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу ўйда Тузел фуқаролар йиғинидаги барча ерларга сув етказувчи Толариқни кўздан кечирдик. Сувсизликдан қуриб-қақшаб ётган ариқ, унинг ирмоқлари илондек тўлғониб ётибди. Йўл-йўлакай Жўра Нормуҳаммедов фермер хўжалигидаги ерларга кўзимиз тушди. Бу ерда ҳам сувсизлик муаммоси. Қулупнай даласида ҳосил йиғиб олингانига анча вақт бўлса-да, бўшаган ер ҳали шудгор қилинмаган. Ваҳоланки, барча экин далалари 1 июлга қадар ҳайдалиб, 15 июлгача уларга кечки экинлар экилиши лозим.

Узоқдан сув ичаётган ерларга кўзимиз тушди. Ана сув бор экан-ку, дея яқинроқ бордик. Бизни ўрта ёшлардаги уч киши кутиб олди. Уларнинг айтишича, ерлари суғорилаётган сув тоза ичимлик сувидан экан. Ҳайрон бўлдик: ичимлик суви танқис бир пайтда аҳоли ерларини мазкур сувдан суғориши тўғримикан?! Улар айтгандек, ҳисоблагич орқали барча тўловларни амалга ошириш мумкиндир, аммо бутун дунёда ичимлик сувини исроф қилмаслик ҳақида бонг урилаётган бир пайтда бу ҳолат... Боз устига бу сувда хлор борлиги сабабли ерлар қотиб, экинлар қуриши мумкин. Бироқ чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади, деганларидек, сувсизликдан қудуқ қазишга тушганлар ҳам бор.

— Икки йил олдин уч гектар ерга олма кўчати ўтқазгандим. Ҳозир айни ҳосилга кирган пайти. Аммо сув йўқлиги оқибатида йиғирма тупга яқин дарахтим қуриди, ҳосилга кирганларининг меваси ҳам қуруқ ва жуда майда. Ана кўришингиз мумкин, бошқа дарахтларнинг барглари ҳам бирин-кетин сарғайиб боряпти. Меҳнатимга куйинганим учун боғ ёнидан мен ҳам қудуқ ковладим. Ҳозир етти метр қазилди. Ҳали сув кўринганича йўқ, — дейди боғ эгаларидан бири Жамол Каримов.

"Сув-сув" дея ташна боғдаги дарахтлар қудуққа дардини айтаётгандек, гўё. Кошки, қудуқдан қамиш ўсиб чиқсаю, най ясаб, уларнинг айюҳанносини оламга ёйиш мумкин бўлса... Афсуски, суви йўқ қудуқда қамиш ҳам ўсмайди.

Бир маҳал Жўра Нормуҳаммедов фермер хўжалигида ишловчи Ғафур Шодмонов даласидан тушгача ковлаган ярим қоп картошкасини ортмоқлаганча, ёнимизга келди. Ёнғоқдек келадиган картошкаларини кўрсатиб, фермердан икки ярим миллион сўмга ижарага олган еридаги биринчи ярим йиллик ҳосилнинг аҳволи шу бўлса, кечки экиндан қандай натижа кутишини айтиб арзидод қилди. Тўғри-да, ер ўзиники бўлмаса, ҳосилнинг аҳволи бу! Ёнғоқдек келадиган картошкаларни харидорлар олдига олиб чиқишга юз қани!..

Ҳолат юзасидан маҳалла раисининг фикрини билиш учун Миришкор МФЙга бордик. Бинодан чиқиб келаётган уч-тўрт отахон бизни кўриб изларига қайтишди. Улар ҳам шу масала бўйича раис қабулида бўлишган экан. Мақсад-муддаомизни англаган нуронийлар биз билан идорага қайтиб киришди. Ҳартугул маҳалла раиси Нуриддин Нортоев ўз иш жойида экан. Раисдан муаммога ойдинлик киритишини сўраганимизда, у шундай деди:

— Маҳалламизда 2045 аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг қарийб 90 фоизи деҳқончилик ортидан кун кўради. Сув мўл бўлса, ҳосиллари ҳам баракали бўлади. Лекин шу йил сув муаммоси чиндан қишлоқ аҳлини қийнаб қўйди. Илгарилари трактор олиб бориб, қопларга қум солиб сув йўлини тўсишган экан. Биз ҳам ҳар эрта баҳор имкон қадар анъанани давом эттирамиз. Жорий йилда сув босими кўпайиб, тўсган бандимизни ювиб кетди. Оҳангарондан машиналарда тош ҳам олиб келиб ташланяпти. Бироқ фойдаси бўлмаяпти. Дарё ҳамма нарсани оқизиб кетяпти. Ҳозир ҳамма фермерлар буғдойини ўриб бўлган. Кечки экин учун шартномалар ҳам имзолашган. Ерларни шудгорлаб, картошка, қулупнай кўчати, булғор қалампири каби полиз маҳсулотлари экишлари керак. Аммо сувдан ҳамон дарак йўқ. Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини, Тузел қишлоқ фуқаролар йиғини каби йигирмага яқин маҳаллалардаги 200 дан ошиқ фермер хўжаликлардаги жами минг гектар ер бир ойдан бери сув ичмаган.

Ўзини таништиришни истамаган бир отахон суҳбатга қўшилди. Айтишича, яқинда машина ёллаб, экинлари ва боғидаги дарахтларини пулга суғортирибди. Отахоннинг фикрини тасдиқлаган икки-уч нафар ижара ер эгалари ҳам яқинда ерларига худди шу усулда пулга сув септиришган экан. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунимизнинг 47-моддасида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг суғориладиган ерларида қулай сув режимини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган. Бунда сувдан фойдаланишнинг умумий ва махсус тартибига риоя қилиниб, фермер ва деҳқон хўжаликларининг сув олиш лимитлари уларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Манбаларнинг суви камайган ҳоллар бундан мустасно, дея қўшимча қилинган.

Бундан ташқари, жамоа боғлари, токзорлари, экинзорлари ва томорқа ерларини сув билан таъминлаш сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома асосида сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши қонуннинг 53-моддасида белгиланган. Маълумки, фермерлар сувдан фойдаланиш уюшмасига маълум миқдорда ҳақ тўлаб, ерларини суғоришади. Галдаги вазифамиз шу уюшма ҳақида суриштириш бўлди. Маҳалладаги қатор фермер хўжаликлар сувдан фойдаланиш уюшмаси — "Агрофирма"га қарашар экан. Маҳалла раисининг таъкидлашича, сувсизлик муаммоси билан энг аввало, ана шу уюшма шуғулланиши керак. Демак, ҳамма гап шу ташкилотда қолибди! Шу ўйда "Агрофирма" раиси Карим Муталов билан телефон орқали суҳбатлашдик. Иложи бўлса, юзма-юз кўришиб, масалага ойдинлик киритишларини сўрадик. Бироқ раис ҳозир комбайн ортидан юргани, ғалла йиғимида иштирок этаётганини важ қилиб биз билан учрашмади. Телефондаги суҳбатимиз давомида шу нарса аён бўлдики, мазкур ҳолат юзасидан юқори ташкилотлар хабардор қилинган. Ҳатто яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан вакиллар келиб, муаммони ўрганиб, чора-тадбирлар кўрилиши ҳақида айтиб кетишибди. Карим аканинг сўзларига кўра, муаммони тўғон қуриш орқали бартараф этишмоқчи. Насос қуриб, у орқали суғориш қимматга тушаркан. Энг қулай чора бу тўғонни мустаҳкам тиклаш экан. Карим Муталовнинг сўзларини эшитгач, ижобий натижадан умидвор бўлиб, ортимизга қайтишга чоғландик. Маҳалла идораси олдида жавобни кутиб турган қишлоқ аҳлидан ғалла ўрими аллақачон якунига етгани ва шу баҳона билан "Агрофирма" бошлиғи биздан қочгани ҳақида эшитиб таажжубландик. Қайта телефон орқали боғланишни ихтиёр этдик. Бу гал тушдан кейин бўлса ҳам кўришайлик, юзма-юз суҳбатлашайлик, бизни тўғонга олиб боринг (рухсатномасиз ёки масъул шахсларнинг иштирокисиз мухбирларнинг ўзи киролмас экан), деган таклифимиз жавобсиз қолди. Турли баҳоналар қилиб, поёнига етмаган суҳбатимизни якунлади. Таниш рақамни икки-уч қайта тердик, жавоб бўлмади. Бошқа боғлана олмадик. Айтганча, телефондаги суҳбатимиз давомида Карим акадан "Агрофирма" нечта фермер хўжалиги ва қанча гектар ерга хизмат кўрсатишини сўрагандик. Уюшма раиси эса рақамлар ҳозир ёдида эмаслиги, эрта қайта боғлансак, албатта айтишини ваъда берганди. Кейинги ҳолат эса ўзингизга маълум. Қизиқ, масъул шахс иши доирасидаги рақамларга шу қадар бефарқ бўлса, қолгани билан неча пуллик иши бор?!

Кетиш чоғи бир нарса бизни ўйга толдирди: бир ойдан буён далаларини суғора олмаётган фермерларнинг ҳам, боғлари кундан-кунга қуриб, тобора даромад манбаи пастлаётган аҳолининг ҳам нияти тезроқ муаммо ҳал этилсаю, сувсизликдан қийналаётган она замин қайта жонланса, яшилликка бурканса, деҳқон яна ўз кетмони билан уймаланса! Барча шу эзгу ният тарафдори. Бироқ... шошқалоқ дарё, ўйноқи тошқин сув ҳозир тўғон қурилишига имкон бериши тушдек бир гап. Тошларни писанд ҳам қилмай, бемалол ўйноқлаб-ўйноқлаб оқизиб кетказаётган дарё ҳали бери "эгардан тушгиси" йўқ. Бу фурсат ичида эса кечки ҳосил чиндан-да кечикиши, энди ҳосилга кирган ёнғоқ, нок, олма дарахтларининг меваси эса бозор юзини кўрмай, қуриб битиши, баридан-да ачинарлиси, аллақачон имзоланган шартномалар қоғоздагина қолиб кетиш эҳтимоли юқори.

Бутун умрини деҳқончиликка бағишида этган қишлоқ аҳлининг ризқ-насибаси, орзу-ҳаваслари биргина шу унумдор тупроқ билан боғлиқ. Ҳар қарич ерга эса меҳр билан бирга тириклик манбаи сув ҳаводек зарур. Эртани эрта, кечани кеча, иссиқни иссиқ демай, йил ўн икки ой кетмон кўтариб, далада ер чопаётган бободеҳқон ҳам таваккал қилиб, рўзғор тебратмоқда, бола-чақасини боқиб, халққа беминнат хизмат қилмоқда. Уларнинг пешона тер тўкиб, топгани чиндан ҳалол. Чунки даласига уруғ сепса, халқ ризқини ҳам қўшиб сепади. Боғидаги ҳар ниҳолда ҳам шу юрт фарзандларининг ризқ-насибаси қўшилган. Шундай экан, сувсизлик биргина қишлоқ аҳлининг эмас, барчамизнинг муаммомиздир. Зеро, деҳқон ҳосили баракали унса, бозорларимиз ҳам мўл-кўл, ризқимиз ҳам сероб бўлади. Бунинг учун ерга ҳам, деҳқонга ҳам, ҳосилга ҳам сув керак, сув ҳаводек зарур. Бироқ уни ҳал қиладиган масъулларда аниқ ижобий ечим йўқ. Бўлса ҳам, гувоҳи бўлганингиздек сансалорлик оқибатида тобора ортга сурилмоқда. Маҳалла раиси "ана, ҳокимият билади ёки "Агрофирма"нинг вазифаси бу", деб масъулиятни ўзидан соқит қилса, сувдан фойдаланиш уюшмаси бошлиғи эса юқоридан кўриб кетишганини пеш қилиб, натижа билан қизиқмай, мухбирларга қорасини ҳам кўрсатмай, бемалол даврини суриб юраверса, муаммони ким ҳал қилади? Қайси замонда олма пиш деган билан оғизга тушибдики, энди тушса?!

Деҳқонлар билан суҳбатлашар эканмиз, хаёлимизга яна "Тилла балиқча" эртаги инди. Биргина сувга қайтиш учун исталган тилакни бажо келтирувчи тилла балиқчани фермер деҳқонларга қиёс этгимиз келди. Митти жонивор сеҳру жодуси билан чолнинг турмушини яхшилаган бўлса, бободеҳқонларимиз тинимсиз меҳнати, ҳалол пешона тери билан эл дастурхонини роҳатбахш ноз-неъматларга тўлдиришаётгани айни ҳақиқат. Оқ олтину дондан тоғдек хирмон яратиб, зиммаларига юклатилган вазифани ҳам ортиғи билан адо этишаётир. Балиқчадек уларнинг ҳам ягона ўтинчи — ерлари сувсиз қолмаса бас!

...Ортга, манзилимизга қайта туриб, қишлоқ аҳлининг жон куйдириб айтган қуйидаги сўзлари қайта-қайта қулоқларимиз остида янграрди: "Ерларимиз яна ўн кун давомида сув ичмаса, бизга кейин ҳеч қандай ёрдам кор қилмаслиги тайин!"

Олисларда қолган сувсиз ерлар эса бир ой олдин сув билан оғзини ёпиб, ҳануз ифторлик қилмаган рўзадорни эслатарди.

P.S.

Ушбу мақолани чоп этиш арафасида вазиятни яна бир бор аниқлаштириб олиш учун ушбу мавзуда кўмак сўраб таҳририятга мурожаат қилган фуқаро Неъматжон ота билан телефон орқали боғландик. У киши бир кун сув келди, деса, эртасига яна тўхтаб қолганини айтди. Янада аниқроқ маълумотга эга бўлиш учун Миришкор маҳалла раиси ёрдамчиси Маҳфуза опа билан ҳам қайта боғландик. Маълум бўлдики, қишлоқ ерлари бир ҳафтадан бери навбатма-навбат суғориляпти экан. Бунга улар дарёга харсангтош билан банд уриш, яъни сув олдини тўсиб, қишлоққа сув етказишга эришибди. Кўриниб турибдики, юзага келган муаммони бу йўл билан ҳам ҳал этиб бўлмайди. Бу вақтинча кўрилган чора. Мазкур муаммога узил-кесил барҳам берилмас экан, қуриётган боғлар, экинга тайёр бўлмаган далалар деҳқонларни яна ва яна ташвишга солаверади. Шу боисдан мазкур мақолани чоп этишга қарор қилдик. Умид қиламизки, мутасадди ташкилотлар муаммонинг узил-кесил ечимини топишади.

Гўзал МАЛИКОВА, Санжар ЭШМУРОДОВ,
"Hurriyat" мухбирлари

эссе

ВАТАН УЧУН ЯШАШ — БАХТ

Тинч ва осуда юртда яшаш чиндан ҳам улуғ бахтдир. Ҳозирги дориламон кунларнинг қадрига етмоқ, касбимиз, билиму ҳунаримиз билан Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқ азиз умримизни қадрлаш ҳамдир.

Ана шуларни ўйлар экансиз, ҳаётни асраш, уни эзгу ишларга бахшида этиш ҳақидаги мушоҳадаларга йўғрилади кўнгил. Кўрган, эшитгани бунга ундаса, ажаб эмас. Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек:

"Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур".

ЁШАРТИРАДИГАН СЎЗ

Умрни уч босқичга бўладилар: болалик, ёшлик ва кексалик. Булар барибир нисбий тушунча. Айтишларича, биологик, жисмий ва руҳий синоатлар борки, учала босқични ҳам ўзгартириб юбориши мумкин экан. Баъзан ана шундай ажиб ҳолатлар билан ҳам яшамай иложимиз йўқ.

Япон олими Масару Эмотонинг «Сув қуввати» асарида ёзилишича, миллионлаб йиллардан буён ерга ёққан қор учқунлари ҳам бир-бирига ўхшамас экан. Дов-дарахту гуллар у ёқда турсин, ҳатто учта идишга солиб қўйилган бир хил нав гуручга уч хил муносабатда бўлсангиз, уч хил тарзда ўсаркан, – деган мазмунда ёзади олим.

Инсон-чи? Қалби жуда нозик. Унинг манфаати юртимизда ҳамма нарсадан устун. Буни 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб номлангани ҳам тасдиқлаб турибди.

Кимларнингдир гапи ҳам одамга гоҳо таъсир кўрсатиши мумкин бўлса-да, унинг ўзи турли кутилган ва кутилмаган муаммоларга тайёр юриши кераклиги албатта, янгилик эмасдир.

Танишларимдан бири айтади: "Бу кишини билардиму, лекин бирор марта ҳам суҳбатлашмагандим. У масъулиятли лавозимда ишлашини эшитгандим. Юз кўриниши жиддий, қадам ташлаши шаҳдам бўлгани учун ҳам вақти тиғизлиги билинар, узоқдан бош қимирлатиб саломлашишининг ўзиёқ салоҳиятини яққол кўрсатиб турарди.

Шундай бўлса-да, хизмат машинасида маҳалла ҳудудига етиб келгач, ҳайдовчига «Тўхтатинг, шу ерда тушаман» дерди-да, илдам қадам ташлаб уйи томон равона бўларди.

Буни кўрмаганлар ундан «Нега пиёда юрипсиз?» – деб сўрашга ботина олмасдилар. Қўшни аёллар хотинидан сўрашганда эса у «Хўжайинимга дўхтир кўпроқ пиёда юрсангиз соғлиғингизга фойда депти» дерди.

Бир куни у билан тасодифан учрашиб қолдим. Қўл узатиб, жилмайиб кўришишига қараганда кайфияти яхши эди. Кўнглига оғир олмаслиги учун салом-аликдан сўнг «Пиёда юриб жуда тўғри қиляпсиз, бу соғлиққа фақат фойда» дедим очиқ чеҳра билан. Ҳолбуки, мен уйига маҳалла чегарасидан яёв келишини билардим. Гапим унга ёқди шекилли, секинлашиб «Ҳа, пиёда юриш келажакка ҳам фойда» деди жилмайиб. Суҳбат давомида билсам, у келажак деганида барибир қачонлардир пенсияга чиқиши ёки хизмат машинасисиз ишга бориб келадиган вазифага ҳам ўтиши мумкинлигини назарда тутаётган экан. «Ана шундай пайтлардаям, – деди у жилмайиб, – танишбилишларим мен билан қуюқ саломлашишлари, ҳатто қучоқлашиб кўришишларини хоҳлайман. Ахир ўзингиз ўйланг, одамларнинг сизга бўлган илиқ муносабати руҳиятингизни осмонга кўтаради. Айниқса, қарилик пенсиясига чиққач, қаддингизни тик тутиб, хотиржам юришингизга нима етсин! Бунинг учун аввало, эл-юртга муносиб хизмат қилиш одамнинг обрўсини оширади, албатта».

Суҳбатдошимнинг фикри америкалик руҳшунос олим, таниқли ёзувчи Дейл Карнегининг инсоний муносабатлар ҳақида ёзилган «Муомала сирлари» асаридаги қуйидаги гапларни эслатди: «Яқинда ишхонамга ортиқча бўлиб қолган одамларни уларнинг ҳурматини келтирган ҳолда хушмуомалалик билан ишдан бўшатишга тўғри келди, – деб ёзади у. – Шу сабабдан уларнинг ҳар бирини ҳузуримга чақиришдан олдин уларнинг қандай ишлагани билан танишиб чиқдим... Мен уларга қуйидагича гапирдим. Фирмамиз сиз билан фахрланишини билишингизни истардик. Сизда ўзига хослик бор ва қаерда бўлсангиз ҳам сизни ҳурмат қилишади. Фирмамиз Сизга жудаям ишонади ва Сиздан ажралаётганидан афсусланмоқда. Фирмамизни доим ёдда тутишингизни хоҳлардик».

Бизнинг мустақил Ватанимизда иш ўринлари сероб. Янги-янгилари кўпайиб бормоқда. Зарур бўлса, бир вазифадан бошқасига ўтиш мумкин. Кексалик пенсиясига чиқаётганларга ҳам қимматли урф-одатимиз бўйича тўну дўппи кийгазиш, илиқ гаплар айтиш уларга нақадар мароқ бағишлайди. Эл-юртимизга муносиб хизмат қилаётганлар билан чин кўнгилдан фахрланамиз.

Бу ёруғ оламда энг мураккаб нарса инсонлар ўртасидаги муносабатдир. Бу, аввало, сўз билан боғлиқдир.

Умрини сўзга бағишлаган танишим шундай ҳикоя қилади:

«Кейинги пайтларда кўкрагимда оғриқ пайдо бўлгани етмаганидек, қон босимим ҳам кўтарила бошлади. Аслида хоҳламасам ҳам касалхонага ётишга мажбур бўлдим. Замонавий тиббий ускуналар билан организмим текширилди ва энг янги самарали дорилар ёрдамида даволана бошладим. Бир ҳафтадаёқ ўзимни ёш, соғлом ва бақувват йигитлардек ҳис этдим. Ўн кун ўтгач уйга қайтдим.

Кечқурун зерикиб, чет элда ишланган кинофильмни кўра бошладим. Фильмда хорижий аллақайси шаҳарни сув босаётгани, бундан уй-жойлар вайрон бўлаётгани, автомашиналар ағдарилиб ётганини кўриб юрагим эзилди ва ўлчатсам қон босимим ошиб кетибди. Секин ўрнимдан турдим-да, қўшни хонадаги каравотга аранг ётиб олдим. Лимон чой, дори-дармонлар ҳам фойда бермади. Бошим оғриб, кўнглим айниди. Юрагимдаги оғриқ тўхтамасди.

Ана шундай пайтда қўл телефоним жиринглаб қолди. Олсам, обрўли газеталардан бирининг бош муҳаррири, таниқли ижодкор исмимни айтиб, саломлашди. «Сизни янги асарингиз билан табриклайман. Уни газетамизнинг келгуси сонида эълон қилмоқчимиз», – деди. Кўнглим тоғдек кўтарилиб, анчагача ёқимли хаёллар оғушида ётдим. Сўнг қон босимимни ўлчашса, яна асл ҳолига, меъёрига тушипти. Кўкрагимдаги оғриқ ҳам йўқолганди. Қаранг, бир оғиз ёқимли сўз ҳар қандай дори-дармондан афзал экан. Бунинг устига ҳали яна узоқ умр кўришимга ишондим. Тинч ва осуда юртимизда яшаётганимиз учун қайта-қайта шукр айтдим».

Чиндан ҳам бир оғиз ширин сўз, илиқ фикр, хотиржам яшаш ҳам инсон умрини узайтиради.

ЁҚИМЛИ ТУЙҒУЛАР СИРИ

«Анча йиллар илгари бошлиғимиз оғир касал бўлиб қолганди, – хотирлайди танишларимдан бири. – Ишхонани ҳам муовин, ҳам вақтинчалик бошлиқ сифатида бошқаришга мажбур эдим. Бунинг устига ҳаммамизнинг уйимиз яқинидаги корхонамиз узоққа кўчиб кетган, ўша олис йиллардаги кечаси у ёқда турсин кундузи ҳам транспорт воситаси кам қатнайдиган вазиятда бориб-келавериш, то маҳсулот чиқаргунга қадар баъзи кунлар ҳатто ярим тунгача қолавериш ҳаммамизнинг тинка-мадоримизни қуритганди.

Ана шундай аҳволда ишдан қайтаётганимизда ходимларни баъзан ўз уйимда, гоҳида эртароқ бўлса, кўчадаги ошхонада овқатлантириб, кейин хизмат машинамизда уй-уйларига етказишни йўлга қўйдим. Ўзларига бўлган бундай эътибордан ходимлар хурсанд, қийинчиликларга қарамай, яхши кайфиятда ишлашдан чарчамадилар. Мен эса ойлар орасида озиб-тўзиб, илгари кўрган одамлар ҳатто таний олмайдиган қиёфага тушиб қолдим.

Ниҳоят, бошлиғимиз даволаниб, ишга келдию, мен салкам бир ойга санаторияга кетдим. Одатдагидек муолажаларни олдим, лекин ўзимда бирон енгиллик ҳис этмадим. Бу ҳақда шифокорга айтгандим, мусиқий терапия хонасига йўлланма ёзиб берди. Оромгоҳнинг бир бурчагида, қалин дарахтзор орасидаги бу хонага кириб борсам, одамлар ончалик кўп эмас экан. Руҳшунос докторнинг кўрсатмасига биноан ёқимли ҳид уфуриб турган хонадаги каравотга ётдим. Чироқ ўчирилган, қалин парда тутилган дераза ойнасидан тушаётган сезилар-сезилмас ёруғлик хонани номигагина ёритарди. Бунинг устига сокинлик ҳукм сура бошлади. Ана шунда аллақайси бурчакдан аёл кишининг каминага мурожаат этаётгандек, самимий саломлашиб «Асабингизни бўш қўйинг, эмин-эркин ётинг. Сиз – ёлғизсиз, ҳеч нарсани ўйламанг, ташвиш тортиб, ўзингизни жабрламанг» – деган ёқимли овози эшитилди. Нотаниш аёлнинг менга бундай меҳрли маслаҳати ғалати туюлди. У эса оилангиз, ўз юртингизга кўпроқ фойда келтиришингизни кўзлаб, жуда бўлмаса, даволаниш даврида, асосан, ўзингизни ўйлашингиз кераклиги ҳақидаги фикри одамни беташвиш қилиб қўйди. Бунинг устига ушбу гаплардан сўнг булбулларнинг сайрашию ёқимли мусиқа овози аъзои баданимга роҳат бағишлади.

Уч ҳафтадан кейин кўргани келган бошлиғимиз, ишонасизми, нарироқдан қараб, мени танимай қолди. Семириб, юзларимга қизиллик югурганди».

Танишимнинг айтганлари, ҳақиқатдан ҳам жисмоний кучқувват манбаи аввало, ижобий фикрлаш, ниятнинг покизалигида эканлигини тасдиқлагандек эди. Аксинча, салбий туйғулар кўпинча касаллик вируслари билан уйғунлашаркан. Шунинг учун умрнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, мустақил юртимизда саломатлик учун яратилган энг замонавий шарт-шароитлардан фойдаланиб, эзгу мақсадларга интилиб яшашга нима етсин.

МАНГУ БОҒЛАР

Баҳор ойларини ким севмайди, дейсиз. Ана шундай кунларнинг бирида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига бордим. Таниш боғбонни уйидан эмас, янги барпо этилаётган кўчатзорда учратдим. Албатта, шундай кунларда боғбон боғида бўладди-да, деб ўйларсиз. Ҳа, шундай. Лекин у киши ёш эмас, тўқсонга бориб қолган, бутун умри боғу далаларда ўтган миришкор инсон.

Саломлашгач, «Бир ўзингиз, ёлғиз...» дейман истиҳола билан. «Мен ёлғиз эмасман, – деди у киши ўрнидан туриб кўришиб, қайтадан ерга чўккаркан. – мана, қаранг, атрофимда сон-саноқсиз "болаларим". Ҳаммаси менга куч-қувват бериб яшаяпти».

Бироздан кейин тушунаман: отахон ўтган йили пайванд қилган олхўри кўчатларини болаларим деб атаяпти. Ўйлаб қоласан киши, у меҳр билан парваришлаб, кўп меҳнати сингган ниҳоллар жонли мавжудотга қиёсланишида талай ҳикмат мужассам. Умрини узоқ давом эттирувчилар кўплиги кишида яхши таассуротлар қолдиради. Фарзандлар, набиралар, абиралар, иморатлар... Боғлар ҳам шундай, йиллар оша ҳосил бериб, бошқаларга ҳам наф келтиради.

Сал нарида чиройли шакл берилган олхўризор қийғос гуллаган, дарахтлар орасида гўё дарёдаги кемадек бақувват трактор ер ҳайдаяпти. Тупроқ эса тўлқин каби мавжланади. Она ернинг нам аралаш ёқимли ҳиди димоққа хуш ёқади. Отахон эса шундай тупроққа қоришиб, кечагина бўй чўзган, миттигина бўлса-да, гуллай бошлаган янги боғ ниҳолларига шакл берарди.

У шу қишлоқда туғилиб ўсди. Дастлабки боғларни ташкил этди. Кейинчалик илк фермерлардан бўлди. Ёшларга маслаҳатию ёрдамини аямади.

Отахонга ўғиллари ҳамроҳ. Бири энди отасининг фермер хўжалигини бошқаради, бошқаси тракторчи, қолганлари узумзор, хурмозор парваришида.

«Олтмиш ёшга етиб, пенсияга чиққанимда кимлардир менга гоҳо «Зерикиб қолмаяпсизми?» деб савол бериши сира ёқмайди, – деди ижодкорлардан бири. – Чунки бизнинг касбдагилар учун идоранинг ишларидан бўшаб, осуда бир хонада кўнгил мавжларини қоғозга тушириб, фикр-мулоҳазаларни бошқалар билан баҳам кўришдан ортиқ завқ борми? Ахир ёзганларинг матбуотда чиқса, жуда бўлмаса, бирон киши эзгулик ҳақидаги фикрларингни ўқиб, кимларгадир яхшиликлар қилса, шунинг ўзи бахт-ку».

Мазкур мулоҳазаларга қўшилган ҳолда яна айтиш керакки, мангу боғларни аввало, ёшликдан барпо этган афзал. Ҳозирги йигит ва қизларимизнинг жаҳон тан олаётган ютуқларини эшитиб, кўриб бунга яна бир бор ишонаяпмиз. Демак, барча ёшларимизнинг вақти мустақил Ўзбекистонимиз тараққиёти, эзгу ишларга сарфланса, бу чинакам бахтдир.

Биз Ватанимизда ана шундай кишилар билан бирга яшаётганимиз учун фахрланамиз.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

ТУМАН БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

ТИББИЙ МАДАНИЯТ

Юртбошимиз жорий йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашган эди. Унда тиббиёт соҳаси фаолияти танқидий баҳоланиб, йиғилиб қолган муаммолар ҳақида сўз юритилганди. Давлатимиз раҳбари, айниқса, аҳолини тиббий маданиятини ошириш лозимлиги ҳақида куюниб гапирган эди.

Маълумотларга қараганда, инсон қанча умр кўриши ва саломатлигининг 40-50 фоиз ҳолатда ирсиятга, 20-30 фоиз ҳолатда атроф-муҳитга, 15-20 фоиз ҳолатда турмуш тарзига ва бор-йўғи 8-10 фоиз ҳолатда эса тиббиётга боғлиқ. Бундан кўринадики, аксарият ҳолда соғлиғимиз ўз қўлимизда экан. Лекин иссиқ жон, баъзан турли сабаблар билан оғриб қоламиз.

Бундай вазиятда шифокор маслаҳатисиз дори истеъмол қиладиган ёки ўзини табиб билиб даволанувчилар ҳам топилади. Дори кор қилса хўп-хўп. Лекин таъсир қилмасачи?! Шу каби тиббий маданияти ўзига яраша бўлган кишилар ҳам йўқ эмас. Ҳатто кундалик ҳаёти кимёвий препаратларга боғланиб, уни озуқага айлантирганлар ҳам учрайди. Бир нарса аниқки, кимёвий моддалар киши саломатлигига фойда бўлиши баробарида айрим ҳолатларда салбий таъсир этади. Афсуски, буни ҳар ким ҳам билавермайди. Билса-да, бунга бефарқ қарайди. Лекин инсон соғлиғига лоқайд қараб бўлармикан?!

Бу ҳақда таниқли шифокор Алижон Фақиров шундай дейди:

– Бугун аҳоли ўртасида уйда ўзича даволаниб, кейин афсус чекаётганлар ҳам йўқ эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда фармакология саноати аҳоли саломатлиги учун ҳар йили 100 дан ортиқ янги антибиотикларни истеъмолга йўналтирмоқда. Аммо, қани натижа? Ўша антибиотиклар, оғриқ қолдирувчи восита тонналаб ишлаб чиқарилаётганига қарамасдан, касалликлар тобора кўпаймоқда. Аксинча, дорилар келтириб чиқарган асоратларни даволаш зарурати пайдо бўлаётир. Антибиотикларни катта дозада қўллаш натижасида вужудда дисбактериоз юз беради. Замбуруғлар урчиб кетиши оқибатида замбуруғли простатит ва уретритга олиб келган ҳолатлар ҳам бор. Бу «Ёмғирдан қочиб дўлга тутилди» дегани эмасми? Бундай касалликларнинг урчиб кетишида замонавий медицинанинг, жумладан, фармацевтика саноатининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Шундай экан, дори истеъмол қилиш овқат тановвул қилиш дегани эмас. Буни ҳар ким тушуниб етмоғи, оз бўлса-да, тиббий билим ҳам бўлиши керак.

Гап тиббий маданиятимиз аҳволи хусусида кетаркан, айни дамда орамизда ҳар олти ойда шифокор кўригидан ўтаётган ёки хасталикка чалинмай мурожаат қилаётганлар бормикан?! Бўлса ҳам саноқли бўлиши тайин. Чунки аксариятимиз касалликнинг авж палласида шифокорга мурожаат қилишни одат қилганмиз. Лекин бугунгидай ўзгаришлар, тараққиёт замонида тиббиёт билан ҳамоҳанг бўлиш ҳар бир кишининг бурчи эмасми?

Бугун шифокорларга янгича талаб қўйилиб, аҳоли тиббий маданиятини ошириш ҳақида алоҳида вазифалар қўйилмоқда. Албатта тиббий маданиятнинг юксалиши беморларнинг камайишию, кишилар умрининг узоқ бўлишига олиб келади. Бу жараёнда эса энг муҳим жиҳат соғлом турмуш тарзига амал қилишдир.

– Киши саломатлигининг энг муҳим қоидалари кундалик озуқа ва жисмоний тарбиядир, – дейди А.Фақиров сўзида давом этиб. – Бироқ кўпчилик иккисига ҳам бефарқ қарайди. Бир нарса аниқки, қачонки, истеъмолдаги озуқалар витаминларга бой бўлиб, дори-дармон вазифасини бажарсагина, айрим касалликларнинг олди олинади. Зеро, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий: *"Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши, олдига келганни емоқ, ҳайвоннинг иши"*, дея бежиз айтмаган. Бу тўғри таъкид. Чунки айрим касалликларнинг асосий сабабларидан бири ҳам тартибсиз овқатланишдир. Кўпинча, кишилар турли озуқаларни бирваракайига ёки овқат ҳазмини кутмасдан, яна таом истеъмол қилади. Айниқса, тўйҳашаму, ўтиришларда неча хил таомни истеъмол қиламиз, бир ўйлаб кўринг. Ҳазм тизими эса маълум қонун-қоидалар асосида ишлайди. Унга кўра, таомнинг турига, миқдорига қараб биринчи ҳазм 10 соатгача давом этади. Меъдада ҳазм бўлмасдан истеъмол қилинган бир луқма ҳам ҳазм жараёнини кескин бузади. Бу эса салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун иложи борича очиққандан кейин овқатланган маъқул. Бу саломатлик қоидаларининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Чиндан-да айрим ҳолатларда хасталикларнинг ортишига ўзимиз сабабчи бўламиз. Шунинг учун соғлиғимизга эътиборли бўлиб, шифокор таъкидлагандек, кундалик саломатлик қоидаларига амал қилсак, фойдадан холи бўлмайди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Истиқлол йилларида халқимизнинг озуқага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мева-сабзавот ва ғалла маҳсулотларини етиштириш учун давлатимиз томонидан кўплаб ер майдонлари ажратилди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари, боғлар учун замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинди, ўзимизда ишлаб чиқарилган янги машиналар билан таъминланди. Умуман, соҳа равнақи йўлида давлат томонидан қандай чора кўрилиши зарур бўлса, барчаси амалга оширилди. Натижада миришкор боғбону зироатчиларимиз мўл ҳосил олиб, нафақат ички бозорни таъминлашмоқда, балки маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш салоҳиятига ҳам эга бўлдилар.

ЗАРАРКУНАНДА ОҚ КАПАЛАК

Дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон эришаётган натижалар кўплаб мамлакатлар учун ҳавас десак, асло муболаға бўлмайди. Дастурхонларимизнинг, омборларимизнинг тўкинлиги учун Яратганга қанча шукрона келтирсак, оз.

Биз мазкур ютуқларни икки оғиз гап билан ифодалаган бўлдик. Бироқ бу муваффақият йўлида, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча меҳнат, маблағ, куч-қувват сарф бўлмаган, дейсиз! Айниқса, ҳосил чўғига салбий таъсир этадиган турли омилларни ҳисобга олсак, деҳқону боғбонларимизнинг меҳнатлари бизга янада яққолроқ намоён бўлади.

Масалан, мева ва полиз маҳсулотлари ҳосилига жиддий зарар етказадиган ҳашаротларни олайлик. Ана шундай ўта хавфли ҳашаротлардан бири Америка оқ капалагидир. У асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат юкларини транспорт воситасида ташишда кенг тарқалади. Ҳозирги кунда бу зараркунанда қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларида кенг тарқалган бўлиб, юртимизга ҳам кириб келиш хавфи сезилмоқда. Шундай экан, биз бу зараркунанда ҳақида етарли тушунчага эга бўлсак, фойдадан холи эмас.

Америка оқ капалаги шундай офатки, у бирваракайига 250 дан ортиқ ўсимликка зиён етказа олади. Бу зараркунанда кўпинча тут ва бошқа мевали дарахтларни хуш кўради.

У айниқсимон ҳашаротлар оиласига мансуб капалак бўлиб, узунлиги ўртача 25-35 миллиметр келади. Балоғатга етган капалак оппоқ тусда ёки устида қора нуқталари бўлади. Оёқлари сариқ, қорни оқ ва тукли. Тухумлари улғайган капалакнинг туклари билан ўралган бўлади. Улар қишни ғумбак ҳолида пўстлоқларнинг ғовак жойларида, шохларнинг устида, ердаги қуриган барглар ичида ва биноларда ўтказади. Ғумбак узунлиги 12-15 миллиметр, аввал оч сариқ, кейинроқ эса жигаррангга ўзгаради. Ёз ойларида бу ғумбаклардан капалаклар учиб чиқади. Жуфтлашганларидан сўнг урғочи капалаклар барглларнинг устки ва остки қисмларига 300-500 тадан тухум қўяди. Тухумлардан личинкалар 10-15 кундан кейин чиқади. Улар 40-50 кун давомида озиқланади; шу давр ичида личинкаликнинг 6-7 босқичини яшаб ўтади.

Халқимизда ёмон қовуннинг уруғи кўп бўлади, деган нақл бор. Уни бемалол Америка оқ капалагига нисбатан қўллаш мумкин. Чунки бу жонивор деҳқончилик мавсуми узоқроқ давом этадиган жойларда икки марта кўпайиш даврини бошидан ўтказади. Иккинчи авлод вакиллари июль ўрталаридан август ойининг охирларига қадар пайдо бўлади. Уларда кўпайиш имконияти каттароқ бўлгани сабабли личинкалари биринчи авлодга қараганда кўпроқ озиқланади. Личинкалар август ва сентябрь ойлари давомида озиқланиб, қишлаш жойларига кўчади ва шу ерда ғумбак ҳосил қилади.

Америка оқ капалаги тарқалмаган ҳудудларни ундан муҳофаза қилиш учун кўчатларни, ўсимлик маҳсулотларини киритиш ва чиқаришда "Ўсимликлар карантини" қонун-қоидаларига амал қилиш талаб этилади. Шунингдек, бу зараркунандаларнинг уяларини қўл билан олиб нобуд қилинг, агар бундай имконият бўлмаса ва уларнинг ўргимчак тўрларига қарши курашиш учун иккала душмани ҳам (паразит арилар ва фойдали йиртқичлар) етарли даражада бўлмасагина махсус воситалар — инсектицидлардан фойдаланишга киришиш лозим.

А.СОДИҚОВ,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини чегара пункти давлат нозири

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Яқинда пойтахтимизда мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари саноатини ривожлантириш ва иқтисодиётимизни юксалтиришда АКТнинг ролига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Беларусь Республикаси Юқори технологиялар парки мутахассислари ҳам иштирок этиб, кўп тармоқли ахборот инфратузилмасини яратиш ва ёш дастурчилар ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Мутахассислар тажриба алмашди

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Беларусь Республикаси ахборот технологиялари корхона ҳамда муассасалари ўртасида қатор шартнома ва меморандумлар имзоланган. Ушбу ҳужжатлар ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида икки мамлакат ҳамкорлигида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбирда мамлакатимиз ва Беларусь мутахассислари софтвер саноатини янада ривожлантириш истиқболлари ва имкониятлари, дастурчи ва муҳандислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича ўзаро амалий тажриба ва фикр алмашиш имкониятига эга бўлди.

Учрашувда ахборот технологиялари саноати дунёда жадал ривожланаётган ва иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларидан бири экани таъкидланди. Бугунги кунда юқори технологиялар тармоғидан олинаётган даромад ривожланган қўплаб давлатлар ялпи ички маҳсулотининг асосий қисмини ташкил этади. Мамлакатимизда ҳам IT-компаниялар сони йил сайин қўпайиб бораётир. Улар софтвер саноатининг турли йўналишларини ривожлантириб, юртимиз муассасалари ва корхоналари учун юқори сифатли ва замонавий дастурий маҳсулотлар яратмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, замонавий М2М ва оптик толали технологияларни жорий қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Мамлакатимизнинг аксарият вазирлик ва идоралари, давлат ташкилотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари ўз электрон ва автоматлаштирилган тизимлари, маълумотлар базасига эга. Бунинг самарасида деярли барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қиладиган янги интеллектуал тизимларни интеграциялаштириш имконияти пайдо бўлди.

Тадбир доирасида беларуслик мутахассислар Беларусь Республикаси Юқори технологиялар парки тақдимотини ўтказиб, уни ташкил этиш тажрибаси ва парк базасида амалга оширилаётган таълим дастурлари ҳақида сўзлаб берди. Беларусь иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бирига айланган ахборот технологиялари соҳаси "МАЗ" ва "БелАЗ" сингари йирик компаниялар фаолият юритаётган машинасозлик тармоғи оладиган даромаддан ҳам кўпроқ фойда келтираётгани таъкидланди. Беларусь Республикаси Юқори технологиялар парки резидентлари йилига қиймати 820 миллион долларга яқин экспорт хизматлари кўрсатмоқда. Мамлакатимиз ҳам ахборот технологиялари саноатини ривожлантириш борасида катта истиқболга эга бўлиб, бу юртимизда ташкил этилаётган кўп тармоқли ахборот инфратузилмаси ва маҳаллий кадрларнинг юқори салоҳияти билан боғлиқ.

Тадбирда Ўзбекистон ва Беларусь ахборот технологиялари компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

ТУРИЗМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

ФАРМОН ВА ИЖРО

Қорақалпоғистонлик журналистларнинг навбатдаги медиа-саёҳати туризм ва экотуризмни ривожлантиришга бағишланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қўмагида Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган медиатур Оролбўйи минтақасидаги диққатга сазовор тарихий жойларни тарғиб қилиш, ушбу ҳудудга хорижий сайёҳларни жалб этишга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида ташкил этилган медиатур сафари қадимий Шилпиқ қўрғонидан бошланди. Аждодларимиз томонидан бунёд этилган қадимий ёдгорликни зиёрат қилган журналистлар Қуйи Амударё давлат биосфера резерватида ҳам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 августдаги қарорига мувофиқ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси ҳузурида қайта ташкил этилган бу масканга Беруний ва Амударё туманлари ҳудудидан 68 минг 717,8 гектар майдон ажратилган. Унинг 11 минг 568 гектари қўриқхона зонаси, 6 минг 731 гектари буфер зона ва 50 минг 418 гектари ўрта зона ҳисобланади.



Биосфера резерватида бугунги кунда 826 бош Бухоро буғуси, сув ҳавзасида эса 43 турдаги балиқ мавжуд. Судралиб юрувчиларнинг 11 тури, шунингдек, тулки, шақол каби ўнлаб ҳайвон турлари учрайди. Бу ерда экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 6 йўналишда саёҳат ташкил этилган.

Медиа-саёҳат иштирокчилари Элликқалъа тумани Навоий овулидаги "Бўстон страус" фермер хўжалигида парваришланаётган туяқушларни бориб кўрди.

– Африка қитъасида яшовчи бу ноёб жониворлар бизнинг иқлим шароитимизга тез мослашди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Ҳамдам Саидабдуллаев. – Бир йил олдин 5 туяқуш келтирилган эди. Мутахассисларнинг фикрича, бу қушнинг гўшти, ёғи ва тухуми ғоят шифобахш. Туяқуш 2 ёшга тўлганда тухум қўяди. Тухумининг оғирлиги 3-4 килограмм тош босади.

Туман марказидаги Амир Темур номидаги Ботаника боғида дунёнинг турли минтақаларида ўсадиган 200 тупдан зиёд дарахт, 200 тупга яқин бута ва 80 дан ортиқ турфа гуллар парваришланади. Медиатур иштирокчилари боғда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Қадимий ёдгорлик – Аёзқалъа меъморий мажмуасини зиёрат қилди. "Аёзқалъа-Тур" сайёҳлик фирмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар медиатур иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Она Баҳридек тинч мамлакат

Дунёда шундай манзиллар борки, одамлари тун қоронғисида ваҳимага тушади. Эртанги нурафшон тонгни кўришдан умидвор уйқуга кетишади. Балоғатга етмаган фарзандларининг қўлига қурол тутқазадилар. Қай бир ҳудудларда эса минглаб одамлар очлик ва ташналик, қашшоқлик ва муҳтожликдан азият чекишмоқда. Айниқса, Афғон заминида неча йиллардан буён нотинчлик, қуролли тўқнашувлар, портлашлар террор хуружлари халқнинг кундалик турмуш тарзига айланиб қолгани оғриқли. Бу ўлкада ўтказилаётган бирор тўй маросими ногаҳоний портлаш, хунрезлик сабаб зумда азага айланиши ҳеч гап эмас. Ана шундай офатлар бутун дунёга хавф солиб турган бир вазиятда Ўзбекистондек тинч, фаровон Ватанимизда бахтиёр ва осуда яшаётганимизга ҳар қанча шукрона келтирсак, оз. Англиядаги нуфузли институт ўтказган сўровнома натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги энг фаровон ва тинч мамлакатлар рўйхатида МДҲ давлатлари орасида олдинги ўриндалиги қайд этилган.

Яқинда ижтимоий тармоқда бир хорижлик йигитнинг юртимиз ҳақида билдирган фикрини ўқиб, қувондим. Зеро, сен эришган ютуқларни ўзинг эмас, ўзгалар ҳам эътироф этиб турганц яхши-да!

Йигит ёзади: "...Ўзбекистон мен учун дунёдаги энг тинч диёр. Мен узоқ юртларга юк ташувчи машинада турли маҳсулотларни элтиб бераман. Аммо ҳеч бир мамлакатда машинамни бемалол очиқ қолдириб, бирор ерга овқатланганги ёки тунагани кириб кета олмайман. Чунки машинамнинг ичидан албатта, бирор нима йўқолиши турган гап. Лекин бу фикрни Ўзбекистонга нисбатан қўллаш ноҳақлик бўлади. Бир неча маротаба синаб кўриб, тўғриси, жудаям ҳайратландим. Бу юрт одамларининг ҳақиқатдан ҳам кўнгли каби нияти пок, юрти каби қалби тинч. Ўзбекистон — она қорнидек бехавотир ва тинч мамлакат!"

— Бу сўзлар ҳар биримизга нафақат шукроналик, балки тинчликни кўз қорачиғидек асрашга ундайди.

Садоқат САИДОВА,
ҚДУ хорижий тиллар факультети талабаси

Журналист ҳар жойда ҳам журналист

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ЮНЕСКО томонидан ўтказилган телекўрсатувлар тайёрлашга оид семинар тренингда журналистларга маҳорат дарси ўтказилиб, унда ББС канали мутахассиси Жон Белл билан соҳа фаолиятига доир долзарб масалалар ҳақида суҳбатлашдик.

Жон Белл кўп йиллардан буён мазкур компанияда саёҳатлар ҳақида материаллар тайёрлаб келаётган тажрибали журналист бўлиши билан бирга, ёшларга сабоқ берувчи моҳир педагог ҳам. Илк саволимиз замонавий ахборот технологиялари кенг оммалашиб бораётган глобаллашув жараёнида телевидение тараққиёти ҳақида бўлди.

— Мен Ўзбекистонга тўртинчи бор келишим. Бу сафар ҳам келишим биланоқ телевизорни ёқиб кўрсатувларни кузатишга ҳаракат қилдим. Йил сайин телеканаллар, хусусан, ихтисослашган каналлар сони ортаётгани мени қувонтирди. Айниқса, ёш ва иқтидорли журналистларнинг иштиёқ билан ижод қилишаётгани диққатга сазовордир. Сўнгги йиллар соҳа ривожи йўлида амалга оширилган ишлар самарасини беришига ишонаман. Ҳозир одамларнинг алоҳида вақт ажратиб телевизор кўришга вақти йўқ. Келажакда томошабинлар ўзларига қулай вақтда керакли кўрсатувлар тўпламини томоша қилиш имконияти бўлган телевидениеми танлашади. Ана шу жиҳати билан интернетга жойлаштирилган кўрсатувларнинг самараси бугунги кунда жаҳонда юқори бўлмоқда. Шу билан бирга уч хил кўринишда, яъни кўрсатув, веб-сайт, блог шаклида материал тайёрланиши ахборий материалнинг аудитория учун қулай шаклда тарқатилишини таъминлайди. Масалан, дунёда Youtube орқали жойлаштирилган қизиқарли лойиҳаларни бир кеча-кундузда жуда катта аудитория томоша қилишини айтиш мумкин. Камхарж, катта студиялар талаб этилмайдиган бундай дастурларни ҳатто автомашина ичида ҳам тасвирга олиш вариантлари бор. Келажак телевидениесини мен **блогер**лар ижоди билан боғлайман. Бунда журналист, бошловчи, тасвирчи, монтажёр, чироқ устаси каби бир нечта мутахассислар бажарадиган ишни битта ижодкорнинг ўзи амалга оширади. Тайёрланган материаллар ҳажми ҳам катта бўлмай, томошабинни зериктирмайдиган қизиқарли шаклда берилади. Бундай амалиётни мен ўзбекистонлик ёш иқтидор вакиллари ижодларида ҳам кузатдим. Афсуски, улар фақат ўзбек тилида экан. Агар ўзбекистонлик блогерлар ўз ишларини инглиз ёки бошқа бир хориж тилларида ҳам тайёрлаб, интернетга жойлаштиришса бу кўрсатувларнинг самараси анча юқори бўлиб, моддий манфаат ҳам келтиради. Бу шаклдаги материал Ўзбекистон ҳақида тайёрланса, хорижликларнинг юртингизга бўлган қизиқишини ошириб, туризмни ривожлантиради, бу эса иқтисодиётга ҳам ижобий таъсир қилади.

— Ўзбекистонлик журналистларнинг фаолиятига ҳам тўхталдингиз, уларнинг ижоди, эфирга бериш шакли бўйича қандай тавсияларингиз бор?

— Менимча, тайёрланаётган ахборот дастурларида расмий услуб устунлик қилмоқда. Мутахассисларнинг респондентлардан интервью олиш механизмини бироз ўзгартириб, расмий маълумот олиш шаклидан икки инсоннинг самимий суҳбати тарзига ўтиш лозим. Оддий томошабинни ана шундай самимият ўзига тортади. Эфирда ҳам микрофон тутган қўлларни кўргандан кўра, икки инсонинг ўзаро суҳбатини томоша қилиш маъқулроқ, назаримда. Респондент шунчаки маълумот бериши эмас, балки ҳиссиётларини улашиши керак. Ҳозир техника кенг тараққий этган замонда микрофонларнинг кўринмайдиган шакллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ўзим радиода ишлаган пайтларимда ҳам суҳбатдошимга микрофонни кўрсатмай шунчаки оддий «гаплашиш»ни хуш кўрардим. Турли давлатларга бориб, тасвирга олиш ишларида одамларнинг самимиятини акс эттириш учун кўринмайдиган камералардан фойдаланишни хуш кўрардик. Журналистлар қайси давлатга боришмасин, уларни оддий аҳоли хорижлик сайёҳ деб эмас, азиз меҳмон сифатида қабул қилишса, тасвирга олиш ишлари, тайёрланган материал таъсирчанлиги респондентларнинг самимияти билан юқори бўлади. Ўзим расмиятчиликни ёқтирмайман, масалан, бўйинбоғ тақишни хуш кўрмайман. Семинарлар жараёнида маъруза қилишни эмас, балки қизиқарли суҳбат тарзида машғулот ўтишни хуш кўраман.

— Сиз тайёрланган материал таъсирчанлиги, унинг иқтисодий самарадорлиги хусусида сўз юритдингиз. Бу борада юртингизда қандай ишлар амалга оширилади?

— Бугунги кунда барча ОАВ ўз аудиториясини ўрганиш, тадқиқ этиши давр талабига айланган. Журналист ижодкор бўлиши билан бирга маркетинг ҳақида ҳам ўйлаши керак. Реклама бугунги кунда санъат деб эмас, балки илм сифатида қараш лозим. Ўз аудиториясини яхши билган журналист ким учун ёзаётганини билади, унинг қизиқишлари, талабини қондирадиган материал тайёрлайди. Айнан ўша аудитория вакили учун қулай бўлган шаклда, вақтда ижод намунасини мухлисларига тақдим этади. Бунинг учун бизда Британия аудиториясини ўрганувчи махсус сайт мавжуд. Мазкур дастурга катта маблағ сарфланган бўлиб, унга кўра ким, қачон, қандай экранда қайси кўрсатувни томоша қилаётганлигини билиш учун мамлакатдаги 1000 та хонадонда тадқиқотлар олиб борилиб, 12 000 нафар томошабин фикри ўрганилди. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, ҳар бир дастурнинг аниқ мухлисини — тайёрланадиган ахборот маҳсулотининг "истеъмолчи"сини билиш мумкин. Чунки жалб қилинадиган ҳомийлар кўрсатувнинг аниқ аудиториясини аниқлаб, шунга кўра маблағларини сарфлашади. Масалан, аёллар ёки ёшларга мўлжалланган дастурнинг шакли, ҳажми ҳамда уларнинг ҳомийлари ҳам бир-биридан тубдан фарқланади. Ўз аудиториясини билиш фақат иқтисодий ўзини-ўзи қоплаш имкониятини яратибгина қолмай, тайёрланаётган материалнинг сифатига ҳам ижобий таъсир қилади. Бу борада матбуот бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, бугунги кунда Британиянинг 94 фоиз аҳолиси газета ва журналларни мутолаа қилиши, шундан аксарияти уларни on-line шаклида ўқиши маълум бўлган. Ҳозир журналистлар ҳам, ОАВ раҳбарлари ҳам ўз аудиториясини билиши, бу борада аниқ таҳлиллар олиб бориши давр талабига айланган.

— Интернет ниҳоятда оммалашиб, тараққий этган бугунги кунда анъанавий телевидение келажаги борасида фикрларингиз?

— Биласизми, янги замонавий технологияларнинг ривожланиши оддий томошабинларнинг телевизор кўришига салбий таъсир қилади, деб ўйламайман. Шунчаки телекўрсатувларни кўриш шакли, тарзи, уларнинг тайёрланишига бошқача ёндашув зарур. Яъни эндиликда журналистлар доимий тарзда малака ошириб бориши, изланишлари талаб этилади. Бунга биз, ижодкорлар, ўрганиб қолганмиз.

Кекса журналист билан суҳбатлашар эканман, бу инсоннинг оддийлиги, самимияти, камтарлиги, ички маданияти диққатимни тортди. Худди ўзимга жуда яқин, анчадан бери таниш бўлган инсон билан гаплашгандек бўлдим. Балки биз журналистлар дунёнинг қай бир бурчагида бўлмайлик — касбимиз, ижодимиз билан бир-биримизга яқиндирмиз.

Юлдуз ОРТИҚОВА

ЎҚУВ БИНОСИДА

"модалар намойиши"

Кўзларимни очсам, аллақачон тонг отибди, соат миллари эса саккиздан бироз оғибди. Вой... ухлаб қолибман, кеч қолишимга бир баҳя қолибди-я, дедим-у, тезда ўрнимдан қўзғалиб, юз-қўлимни ювдим. Чала-чулпа қилган нонушта қилиб, кийим жавонини очдим. Яна ўша форма: оқ кўйлак, қора шим...

Ўқув биносига яқинлашганимни сезмай қолибман. Кириш эшиги ёнидаги талабаларга кўзим тушди. Барча илм толиблари эгнига турли рангдаги кийимлар кийишган. Уларнинг орасида спортчилардек кийинганлари ҳам бор. Қизлар эса истироҳат боғига келгандек ясаниб олишган. Бу ҳолатдан кейин ўзимни ўқув биноси эмас, модалар уйига келиб қолгандек ҳис қилдим. Ҳар куни турли кўринишда ўқишга келишни истовчи қизларнинг хаёли илм олишда эмас, турли кийим-кечакларда бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Қизларни ҳадеб танқид қилавермасдан ўғил болалар ҳақида ҳам икки оғиз гапирмасам виждон ўлгур бироз қийналади. Мендан хафа бўлманг-у, биз ҳам мода деб аталмиш иллатнинг қулига айланиб бораётгандекмиз. Баъзи йигитларнинг бошига қўндириб олган кўзойнагию, устидаги ёрқин либослари ҳам қизларникидан қолишмайди.

Бундай кийиниш илм даргоҳларининг тартиб-қоидаларига тўғри келмайди. Қолаверса, бошқа ўқувчи ва талабаларнинг кийиниш маданиятига ҳам таъсир кўрсатиши турган гап. Эшик олдида назоратчиларга мўлтирабгина қараб турган "толиби илмлар" эса ўзидан ўпкалансин. Чунки биз талабаларнинг бу даргоҳга келишимиздан мақсад кийимимизни кўз-кўз қилиш эмас, илм олишдир.

... Хаёлларга банди бўлиб қачон хонага кириб, стулга ўтирганимни ва ўқитувчининг кириб келганини билмабман. Дарсда жудаям қизиқарли ва биз учун муҳим маълумотлар айтилди. Эсиз, бино ташқарисида қолган курсдошларим...

Шу пайт орқамда ўтирган қизларнинг пичирпичирини эшитдим.

— Нози, эртага ҳам шу аҳволда келамизми?

— Манимча, шунақа бўлади.

— Ээ, кечаям шу кўриниш эди.

— Бироз сабр қилайлик, назорат йўқолса, яна ўз билганимиззи қиламиз. Ундан кўра кечки базмга қандай кийим кийишингни айтсанг-чи!

— Ҳа, кечгами, кечга бутунлай ўзгача кўринишда бораман...

Исломжон ОМОНЖОНОВ,
ЎзМУ талабаси

ШАРҲ

Ўзимиз танлаган йўл

Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда парламент аъзолари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳудудий кенгашларнинг ташкилий йиғилишларида сайланган делегатлар иштирок этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан мазкур тизим фаолиятида янги тараққиёт босқичи бошланди, тузилма тубдан ислоҳ қилиниб, замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

Фармонга мувофиқ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига юридик шахс мақоми берилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ойида мамлакатимизнинг туман ва шаҳарлари, май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг ташкилий йиғилишлари ўтказилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг таркиби, кенгашлар раислари лавозимига тегишинча туман (шаҳар)лар ва вилоятлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, кенгашлар котиблари тасдиқланди.

Айни пайтда фармон ижросини таъминлаш доирасида жорий йилнинг март-апрель ойларида 8961 та фуқаролар йиғинида раиснинг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича жами 17922 нафар ўринбосарлари сайланди. Маҳалла институтининг жойларда халқнинг маслакдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, "адолат тарозиси"га айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингга яқин фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни бажариб келмоқда. Ҳолбуки, бир вақтлар маҳалла деганда, кўз ўнгимиздан қаергадир "справка" керак бўлиб қолганда мурожаат қилинадиган идора ўтарди. Аҳоли орасида "сельсовет", "домком" ёки "маҳаллаком" деган тор маънодаги номлар билан танилган бу идора асосий вақтини мажлисбозлик билан беҳуда ўтказиши туфайли кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлар, негаки, ўша йиғинларда айтилган гаплар фақат қоғозларда қолиб кетарди. Лекин бу ўринда халқимизнинг иродасига, сабри ва садоқатига тан бериш керак. Зеро, ҳар қандай расмиятчилик бўлмасин, ҳеч қачон маҳалла аҳлининг бирдамлиги, аҳиллиги, жипслиги ва ҳамжиҳатлилиги туфайли бу ноёб маскан ўз обрў-эътиборини йўқотмаган. Ҳатто "Ўзинг учун ўл етим" қабилидаги сиёсат устувор бўлган собиқ тузум даврида ҳам маҳалла аҳли томонидан ҳашар йўли билан уй-жойлар, йўллар ва кўприклар қурилганига гувоҳ бўлганмиз. Шунингдек, қанчадан-қанча қўни-қўшниларнинг хайру саховати билан боқувчисиз қолган инсонларнинг тўй-маракалари ўтказиб берилгани ҳақида кўп эшитганмиз.

Ўтган йили интернетда Қозоғистон Республикасининг областларидан бирида ўттиз кунча сабабсиз, ўзбошимчалик билан мактабга бормай қўйган ўқувчини ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати билан таълим муассасасига қайтарилгани ҳақидаги хабарни ўқиган эдим. Унда баён этилишича, ўқувчининг шу йўл билан мактабга қайтарилгани мамлакатдаги мактабларда тартиб-интизом масаласи қатъий назоратга олинганидан дарак берар экан. Юртимизда эса биронта мактабда бундай бебошлик юз берган тақдирда масалага биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича жамоатчилик комиссияси аралашади. Яъни, маҳалла ёш авлоднинг тақдирига маъсул ва ҳеч қачон бунга бефарқ қараб туролмайди.

Модомики, юртимизда маҳалла тизимининг қадимдан ўз ўрни ва ўзига яраша мавқеи бўлган экан, нима учун ушбу ноёб тузилмага айни вақтда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда?

Ушбу саволга жавоб бериш учун баъзи хорижий мамлакатлардаги сиёсий, ижтимоий воқеаларга назар солиш, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва оқибатларига эътибор қаратиш лозим, назаримизда. Ҳозирда интернет сайтлари, хориж матбуоти ва телеканаллари жаҳон жамоатчилигини Афғонистон, Сурия, Ироқ ва Ливия каби давлатлардаги бугунги ўта аянчли аҳволдан, содир бўлаётган мудҳиш воқеалардан ҳар кун, ҳар соатда огоҳ этмоқда. Бу мамлакатларда бир вақтлар бошланган уруш ҳамон давом этиб, айримларида ҳатто вазият баттар чигаллашиб бораётир. Энг ёмони, бу мамлакатлар ҳозирда айрим гегемонпараст давлатлар учун қуроллояроғ, ҳарбий куч-қудрат синовдан ўтказилиб, дунёга кўз-кўз қилинадиган, геосиёсий манфаатлар ҳамма нарсадан устун қўйилиб, ҳар қандай ҳалокатли тажрибани синовдан ўтказиб кўрадиган тайёр базага айланиб қолганки, бунинг оқибати нималарга олиб келаётганини ҳам кўриб, билиб турибмиз.

Булар-ку, нотинч ўлкалар. Зотан, йиллар давомида тинчлик қандай улуғ неъмат эканлиги унутилиб, аҳолиси бу муқаддас неъматга зор бўлган, кунда-кунора ўқ овози эшитилиб турадиган мамлакатнинг тақдири кимларгадир боғлиқ бўлиб қолиши тайин. Лекин бугунги кунда мислсиз тараққиёти билан дунёга ўрнак бўлишга интилган давлатлар ҳаётига ҳам эътибор берайлик. Уларнинг аксарияти молиявий инқироздан чиқолмай ҳалак, баъзилари эса маънавий таназзулга юз тутиб, мамлакат келажагини қайғули савол остида қолдирмоқда.

Мана, бир мисол. Буюк Британия иқтисодий жиҳатдан қандай мавқега эга эканлигини яхши биламиз. Гарчи сўнгги пайтларда молиявий инқироз туфайли бу соҳа бирмунча оқсаётган бўлса-да, мамлакатнинг шу вақтга қадар эришган натижалари ҳақида бутунлай салбий фикр билдириш ноўриндек. Аммо гап фақатгина иқтисодий тараққиётда эмас экан, мамлакатда маънавий соҳанинг аҳволи қандай, деган савол туғилади. Маълумотларга кўра, Британияда фоҳишалик билан шуғулланиш қонуний фаолият турига кириб бўлган. Мисол учун, Лидс каби туманларининг айрим кўчаларида кечки соат 19:00 дан 7:00 гача "тунги капалаклар" ўз хизматини кўрсатаверади. Полиция эса уларнинг фаолиятига қаршилик қилмаган ҳолда, "хонимчалар"нинг хавфсизлигини таъминлаш кафиллигини олган. АҚШда ҳар йили ўртача 290 мингдан ортиқ киши жинсий зўравонликлардан жабрланади. Айрим манбаларга кўра, ҳар тўрт талабадан бири у ёки бу шаклда ушбу муаммога дуч келмоқда.

Л.Раҳматовнинг "Соғлом она ва бола: халқаро амалиёт" китобида кишини қаттиқ ўйга толдирадиган қуйидаги факт келтирилади. Рим Папаси Франциск никоҳдан ташқари туғилган болаларни чўқинтиришдан воз кечаётган руҳонийларни танқид қилар экан, "Турмушга чиқмаган оналар болани аборт қилдирмай ҳаётга келтириб тўғри қилади. Черков улардан ўзини олиб қочиши керак эмас. Никоҳдан ўтмай туққан ёлғиз оналар черков округларимизда боласини чўқинтиришга қийналмоқда. Буни истамайдиган руҳонийларимиз бор. Фарзандини дунёга келтириб қаҳрамонлик кўрсатган оналар гўдагини чўқинтириш учун бир черковдан бошқасига зир югуриши керакми?"

Бу нима дегани? Маънавий таназзул дегани эмасми? Бундай аянчли манзаралар ҳар қандай мамлакатнинг тараққиётига, унинг келажагига ҳам салбий таъсир кўрсатмаслигига кафолат бормикин?

Юртимизда маҳалла институтига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, бу борада қатор Қарор ва Фармонлар қабул қилинаётгани бежиз эмас, албатта. Кўриб турганимиздек, маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш натижасида аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилотлар ёрдамида бартараф этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назорати тизимини амалга ошириш давр талабига айланди. Зеро, жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик бўлиши учун хизмат қиладиган омилдир. Маҳалла институти одамларнинг дардини, кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора сифатида устувор аҳамият касб этяпти.

Яна бир гап. Халқимизда "Ватан остонадан бошланади" деган нақл бор. Она Ватанимизнинг асосини эса шубҳасиз, маҳаллалар ташкил этади. Зеро, ҳар биримиз мана шу мўътабар масканда вояга етамиз, эсимизни таниймиз, ҳаёт деб аталмиш бебаҳо неъматнинг маъно-мазмуни ва моҳиятини шу гўшада англаб етамиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳар биримизнинг иссиқ-совуғимиздан хабардор бўлган маҳаллада суянгимиз қотади. Донолар "Маҳалла ҳам ота, ҳам она" деб бежизга айтмаганлар. Бир уйда тўй ёки марака бўлса, ҳеч қачон маҳалла-қўйнинг иштирокисиз ўтмайди. Дейлик, бир одамнинг бошига оғир мусибат тушса, биринчи навбатда қўни-қўшнилар ёрдамга келади. Қўлидан келмагани камида жўяли маслаҳати билан жонига оро киради. Тўй-томоша бўлса-ку, айтмай қўя қолайлик, қаторда туриб, белни қамишдан маҳкам боғлаб хизмат қилади, эл-улус орасида катта обрў олиб беради.

Энг муҳими, маҳалла деганда, бугунги кунда ҳар биримизнинг кўз олдимиздан тинчлик масканини эслатувчи бепоён ва осуда, ноёб ва бетакрор бир маскан ўтади. Шу боис бу ўзига хос тузилма ҳозирда ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими ва механизмларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш лозимлигини тушуниши лозим. Давлатимиз раҳбари "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган даъватга бугун "Ўз болангни ўзинг асра!" деб қўшимча киритиш вақти келганини таъкидлагани маҳалла фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Бир сўз билан айтганда, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашини тузишдан кўзланган мақсад ҳам аниқ: юртимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ёш авлодни маънавий баркамол этиб вояга етказиш, аҳолига давр тақозо этаётган барча қулайликларни яратиш орқали халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш ва бу билан ўзимиз орзу қилган буюк ва қудратли давлатни барпо этишдир.

Зотан, халқимиз олдида бундан бошқа йўлнинг ўзи йўқ.

Тоҳир ШОМУРОДОВ

ЭЪЛОН

Юнусобод 19-мавзе, 36-уйда жойлашган Рахмедова Иродахонга тегишли 27-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОН

"Марди майдон" фестивали

"Марди майдон" — жонли ижродаги қўшиқлар фестивалига 2011 йилда асос солинди. Ушбу фестиваль кўп сонли қўшиқсевар мухлислар, айниқса истеъдодли ёшлар ва кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олиниб, ўз обрў-эътибори ва юксак нуфузи билан қўшиқчилик санъатининг тараққиётида муҳим аҳамият касб этганлиги кўпчиликка маълум.

Фестиваль ташкилотчиларининг тинимсиз меҳнатлари туфайли кўплаб ёш, иқтидорли ижрочилар, қолаверса, миллий эстрада санъатимизнинг умидли истеъдодлари кашф этилди. Ёшларимиз орасидаги ноёб истеъдод эгалари бўй кўрсатиб, халқимиз назарига тушди.

Аслида истеъдодли кишилар миллатнинг юзи ва маънавий бойлигидир. Жонли ижродаги ушбу фестиваль Милена Мадмусаева, Малика Эгамбердиева, Шерзод Ортиқов, Умида Хўжаева, Гўзал Жуманиёзова (Дилсўз), Машҳурбек Раимжонов, Гуласал Абдуллаева каби қобилиятли йигит-қизларимизни ижод майдонига олиб чиқди. Айни кунларда уларнинг барчалари "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлиб, халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами бўлган мустақиллик байрамларига бағишланган катта концерт дастурларида, Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган сайлларда фаол иштирок этиб, ўзларининг қўшиқлари билан халқимиз кўнглига қувонч ва завқ-шавқ бағишлаб келмоқда.

Муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан маданият соҳасини янада ривожлантириш борасида кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик санъат аҳлини янада илҳомлантириб, янги-янги ижодий зафарларга чорламоқда. Қарийб, уч йиллик танаффусдан сўнг "Марди майдон" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали улуғ ниятлар билан қад ростламоқда. Демак, фестиваль ота-боболаримиздан бизга мерос бўлган табаррук заминни, бу ёруғ оламда биз учун ягона ва муқаддас Ўзбекистонни авж пардаларда жонли ижрода баралла куйлашга шайланиб турган истеъдодли ёшларни Ватан саодатини, халқимиз бахтини тараннум этиш учун мардлар майдонига таклиф этади.

"МАРДИ МАЙДОН" – ҚЎШИҚЛАР ФЕСТИВАЛИНИНГ НИЗОМИ

Табиий ва такрорланмас қобилият истеъдод дейилади. Истеъдод эса туғма неъмат бўлиб, камёб инсонларгина истеъдод соҳиблари бўлади.

Уларни асраб-авайлаш ва қадрлаш зарур. Бундай кишилар келгусида миллатнинг, халқнинг маънавий-интеллектуал мулкига айланади.

Азал-азалдан халқимизнинг истеъдодли фарзандлари ўзларининг ноёб қобилияти, иқтидори ва куч-қудратини ҳамманинг кўз ўнгида намойиш этишган. Полвонларимиз гиламда, дорбозлар баланд дор устида, хонанда ва ҳофизлар эса саҳналарда баралла куч синашиб келган. Донишманд халқимизнинг "Мард майдонда синалади" деган улуғ ҳикмати нақли бор.

"Марди майдон" – жонли ижродаги Республика қўшиқлар фестивалини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни излаб топиш, янги умидли овозларни кашф этиш, уларни мардлар майдонига – саҳнага чорлаш, ўз истеъдодларини намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва кенг жамоатчиликка таништиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси 2017 йил июль ойидан бошлаб (икки ойда бир марта) "Марди майдон" Республика қўшиқлар фестивалини ўтказади.

I. ФЕСТИВАЛНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Миллий оҳангларга ва миллий ифтихор туйғуларига йўғрилган, Ватан, она табиат, гўзаллик, нафосат, инсонийлик, бағрикенглик, бунёдкорлик, севги, меҳр ва муҳаббат каби мавзуларда янги қўшиқлар яратиш, эстрада қўшиғи, катта ашула, мумтоз (анъанавий), академик (опера) хонандалари ва бахшичилик йўналишида ижод қилаётган ёш истеъдодларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ёш ижодкорларнинг малакасини ошириш, катта саҳналарда ўз санъатини намойиш этиш учун кенг йўл очиб бериш, донишманд халқимизнинг "Мард майдонда синалади" деган улуғ ҳикматини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш фестивалнинг асосий мақсади ва устувор вазифасидир.

II. ФЕСТИВАЛНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Фестиваль икки босқичда ташкил этилади. Биринчи босқич "Ўзбекконцерт" давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари томонидан туман ва шаҳарларда эстрада қўшиғи, катта ашула, мумтоз (анъанавий), академик (опера) хонандалиги ва бахшичилик йўналишларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида ўтказилади.

Ҳудудий бўлимлар бешта йўналиш бўйича биринчи ўринларга сазовор бўлган иштирокчиларни Республика (иккинчи) босқичига тавсия этади.

Фестивалнинг иккинчи босқичини ўтказиш муддатлари Республика Маданият вазирлиги ҳузуридаги "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси томонидан белгиланади.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этишлари мумкин.

Фестивалнинг асосий шарти – қўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

Фестиваль "катта ашула", мумтоз (анъанавий), эстрада қўшиқлари, академик (опера) хонандалиги ва бахшичилик йўналишлари бўйича ўтказилади. Фестиваль иштирокчиси ушбу Низом талабига кўра қайд этилган йўналишлар асосида ўзи танлаган жанрда иккита асар ижро этади.

Фестивалда иштирок этишни истаган истеъдод соҳиблари "Ўзбекконцерт" давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- *Фестиваль Ташкилий қўмитасига ариза (1-илова);*
- *иштирокчи ҳақида маълумотнома (2-илова) ва икки дона фото сурат;*
- *Фестивалда ижро этиладиган 2 та асарнинг матни, асар муаллифларининг исми-шарифи, асарларнинг номи ва CD форматда дискка ёзилган аудио варианти;*
- *паспорт нусхаси (яшаш манзили билан);*
- *маълумоти ва мутахассислиги (дипломи нусхаси).*

Тавсия этилган қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ва ижро услуби фестивалда қатнашиш ҳуқуқини таъминлашда асосий мезон ҳисобланади.

Тақдим этиладиган асарлар миллий анъаналаримиз ҳамда умумбашарий қадриятларга зид бўлмаслиги лозим.

III. ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ташкилий қўмита Фестивалда иштирок этишни истаган ёш ижрочиларни ҳар икки ҳафтада ташкил этиладиган махсус кастинглар асосида, мазкур Низомнинг II бўлимида назарда тутилган тартибда саралаб олади, бу ҳақда қарор чиқаради ва баённома билан расмийлаштиради.

Мазкур Низом талаблари Фестиваль иштирокчиси томонидан бузилган тақдирда иштирокчи Фестивалдан четлатилади.

Ташкилий қўмита Фестиваль доирасида ўтказиладиган барча концертларнинг сценарийсини, дастурини тайёрлайди ва тасдиқлайди.

Фестиваль лауреатларини тақдирлаш маросимини ташкил этади.

Фестиваль лауреатига айланган ва ўз истеъдодини намойиш эта олган ёш иқтидорли хонандаларга ташкилотчилар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалий ёрдам кўрсатилади.

IV. ЭКСПЕРТЛАР КОМИССИЯСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат Экспертлар комиссияси ташкил этилади.

Эксперт комиссияси фестиваль лауреатларини аниқлашда бевосита иштирок этади.

Эксперт комиссияси фестиваль доирасида ўтказиладиган концертларда чиқаётган ёш ижрочиларга саҳна маданияти, қўшиқ куйлаш, ижрочилик маҳоратини ошириш борасида тегишли тавсиялар бериб боради.

V. ЛАУРЕАТЛАРНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Фестиваль лауреатлари Эксперт комиссияси томонидан 10 баллик тизимда, қуйидаги мезонлар орқали аниқланади:

- *ижро маҳорати ва услуби;*
- *овоз имкониятлари;*
- *асар матнининг мукаммаллиги ва таъсирчанлиги;*
- *саҳна ҳаракати (артистизм);*
- *саҳна либоси (имиж).*

VI. ФЕСТИВАЛНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ЛАУРЕАТЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, фестивални ўтказиш учун пул маблағлари ажратади.

Фестиваль лауреатлари учун Ташкилий қўмита номидан дипломлар тайёрлайди; репетиция ва концертлар ўтказиладиган зални ижарага олади.

Фестиваль лауреатига айланган барча ёш ижрочилар Ташкилий қўмитанинг махсус дипломи билан тақдирланади. Шунингдек, мухлисларнинг олқишларига қараб муайян хонандага ҳомийларнинг эсдалик совғалари ҳам топширилади.

"Ўзбекконцерт" давлат муссасаси фестиваль ғолибларини давлат тадбирларига жалб қилади ҳамда мамлакатимиз ва хорижда ўтказиладиган гастроль-концерт сафарларига тавсия этади. Эксперт комиссияси фестиваль совриндорларига баҳо беришда томошабинлар ва санъат мухлисларининг овози, яъни уларнинг хулосаларини ҳам эътиборга олади.

Фестиваль ғолибларини аниқлаш мазкур Низомда белгилаб қўйилган мезонлар орқали Эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

2017 йил фестиваль ғолиблари йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган якуний тадбирда аниқланади ва галаконцерт ўтказилиб уларга ташкилий қўмита ҳамда ҳомийларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилади.

Шунингдек, қуйидаги миқдорда пул маблағлари билан мукофотланади:

1-ўрин – 5 миллион сўм пул мукофоти,
1-даражали диплом (5 та мукофот)

2-ўрин – 3 миллион сўм пул мукофоти,
2-даражали диплом (5 та мукофот)

3-ўрин – 2 миллион сўм пул мукофоти,
3-даражали диплом (5 та мукофот)

НОҚОНУНИЙ НИКОҲ — ЖИНОЯТ

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

– Устингдан шикоят қилиб ёзишибди. Сени кўпхотинлиликда айблашяпти.
– Йўғ-ей, ким ёзибди?
– Хотининг!
– Қайси бири?!.
...Нодон бойиса, хотин устига хотин оладди, дейишади. Иккита хотин олгунча, иккита сигир олса-чи. Ҳар кун қаймоқ ермиди...

Келинг, масалага жиддийроқ қарайлик. Кейинги пайтда ҳаётда ЗАГСдан ўтмасдан туриб, манфаат эвазига, яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиш ҳолатлари ҳам, минг афсус кўп учраб турибди. Охирги вақтларда бу иллат жуда авжига оляпти. У ҳақдаги маълумотлар эндиликда сир бўлмай қолди. Ҳақиқатдан ҳам тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган никоҳдан туғилган фарзандларнинг тақдири, келажаги эртага нима бўлади? Табиийки, давлат қонунлари бўйича улар кўпгина ҳуқуқлардан маҳрум бўлади, хусусан, оталикни белгилаш, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш, мерос ҳуқуқи, ўсиб улғайгандан кейин, боғчага, таълим муассасасига қабул қилиш масалаларида қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлади. Энг ёмони, бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзосиман, деб ҳис этолмайди.

«Шахсан мен бу масалани бутунлай қоралаш ёки оқлаш фикридан йироқман. Буни ҳаёт дейдилар! Ҳаётда ҳар хил вазият, ҳолат рўй бериши мумкин. Бу каби ҳодисалар ҳам ўз-ўзидан рўй бермас. Бой одамларнинг-ку, нафс илинжида уйланишини оқлаб бўлмас, бироқ бир суянчиққа, умр йўлдошга муҳтож ёлғиз аёллар истагини ҳам ҳисобга олиш керак, менимча», деб ёзган Файзулло Эл-шод.

Мактуба Парпиева исмли бир қиз қўшхотинликни ёқлаётган эркакларга ижтимоий тармоқ орқали мурожаат қилган: «Қўшхотинли бўлиш истагидаги эркакларнинг аксарияти, «бева аёллар тақдири»-дан хавотир олишди, «боласи бор аёлга уйланиш савоб» деган гаплар билан ўзларини оқлашга ҳаракат қилишди, «ейишга овқати, кийишга кийими йўқ аёллар қинғир йўлга кириб кетиши мумкин» деган важларни ҳам келтиришди. Наҳотки, биз бугун акалик бурчимизни унутган бўлсак? Ахир ўша ёлғиз аёл ҳам кимнингдир сингилиси эмасми? Қўшхотинликка рухсат берилиши керак, дея сал қолса қичқираёзган эркаклар, сизларда сингил, қиз йўқми? Наҳот ўзингизга яқин аёлларга шундай тақдирни раво кўрсангиз? Иккинчи хотин бўлган опа-сингилларим ҳақида гапирмайман. Ишончим комилки, улар ўзлари учун ҳеч қачон бундай тақдирни сўрамаган...

Ушбу фикр маҳалламиздаги қўшни жувон тақдирини эсга тушириб юборди.

Ҳаётнинг турфа сўқмоқларию тақдирнинг тўқмоқлари зарбидан эгилиб-букилган Райҳоннинг (исм ўзгартирилган) кечмишлари бир туяга оғирлик қиларди! Мана, эшитинг: ғўдаклигида онадан, мактабга чиқмай отадан ажралган қаҳрамонимиз амакининг қўлида вояга етибди. Болаликнинг маъсум онларини мусибат билан ўтказган Райҳон балоғат остонасида яна бир қўнгилсизликка дучор бўлади: амакиваччаси номусига тегади!.. Бу қабоҳат "хонадон қироличаси" бўлмиш янганинг қуввати билан овозаси чиқарилмайди. Ва кўп ўтмай "ит теккан" қизни қўшни тумандаги бир гиёҳванд йигитга узатиб юборадилар... Бундай турмушнинг натижаси маълум: орадан йил ўтмай Райҳоннинг эри гиёҳванд модда билан қўлга тушиб, узоқ йилга "кесилиб" кетади... Ва бахтиқаро жувон қайга боришини билмай аросатда қолди. Амакисиникига қайтмаслиги аниқ: орзусию номуси топталган хонадонда унга кимнинг кўзи учиб турибди?! Тоға-аммаларидан ҳам умид йўқ. Уларда оқибат бўлганида аввал бошданоқ қарамоғига олишмасмиди? Узоқ иккиланишлардан сўнг кенжа холасининг уйидан паноҳ топган аёл қариндоши кўмагида кафега ишга кирди. Ўғрию тўғри келиб-кетувчи кафеда официантлик қилаётган кўҳликкина Райҳон ўзга ниятли кимсаларнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмасди. Шундай бўлди ҳам: кўплаб даъвогарлар орасида фалон йирик корхона раҳбарининг "қўли баланд" келади...

Кимсан фалончи "бизнесменга" "иккинчи хотин" бўлган аёлнинг ҳаёти изга тушгандек эди. Ахир, шаҳар четидаги "дом"дан икки хонали уй, ҳар куни қайнайдиган қозон, бутроқ уст-бош ва уч кунда бир кўриниш берадиган эр қаҳрамонимиз учун тугал бахт билан баробар эди.

Кутилмаганда эрининг биринчи хотини бундан хабар топди. Бўлди жанжал, бўлди тўполон... "Эр бермоқ – жон бермоқ" деб шунга айтсалар керак-да. Биринчи хотиннинг алам ва рашкдан кўзига ҳеч нарса кўринмади. Хонадаги қўлга илинган жиҳозларни биттабитталаб кундошига улоқтирди. Ишидан кўнгли тўлмай, ошхонага қараб югурди. Шкафларни, тортмаларни бирма-бир очар, излаётган нарсасини тополмаётганидан хуноб бўла бошлади. Кўзи қонга тўлиб турган экан чамамда, тахтакач устида турган пичоқни олди-ю, девор бурчагига биқиниб олган, қўрқувдан саросимага тушган, кўзлари ола-кула, сочлари битталаб юлинган, баданларида тирноқ изларидан қон сизиб чиқаётган Райҳонга ташланди. Воқеадан хабар топган эр қўрқинчли воқеа устидан чиқиб, гангиб қолди. Ўйлаб ўтирмай, тиғ кўтарган аёлининг қўлига ёпишди. Ғазабнок хотин эрга чап бермай анчагача қўлидаги анжомни талашди. Узоқ олишувдан сўнг, тасодифан пичоқнинг тиғи аёлнинг бўғзига санчилиб кетди...

...Э-ҳа, ким айтади бу аёлни қотил деб?!

Райҳон деганлари ўрта бўй, озғиндан келган, сарғиш-оқ, бўшгина, алланечук маъюсу маъсума жувон-ку?! Ҳайронман, суд ҳам бунга чиппа-чин ишонди.

Биринчи турмушидан хорлик, иккинчисидан хўрлигу зўрлик кўрган аёл Райҳон фалончи "бизнесмен"дан озми-кўпми эътибор кўргани бор гап. Шу эътибор туфайли эрига борини берди, "кесилиб" кетмаслиги учун ўзини қалқон қилди... Жабр кўрган Райҳон-у, сувдан қуруқ чиққан фалончи "бизнесмен" бўлди. "Сени қутқараман деб, фарзандларим онасидан, биринчи хотинимдан айрилдим. Болаларим, оилам тақдири учун ҳам судда ҳаммасини бўйнингга олиб, ғинг демай маълум муддат ўтириб чиқасан", дея уқтирди "қаҳрамон" эр. Пешонаси шўр бўлмаса бунчалик аёлнинг. "Жиноятчи" деган тамға босилди-ю, вужудида бир парча норасида ривожланаётганини кейин билиб қолди. Энди ўзини оқлаши учун ҳеч қандай далиллар қолмаганди. Барча айбни ўз бўйнига олганди. Орадан кўп вақт ўтмай жувоннинг ҳомиласи шифокорлар ташхиси билан аниқланди. Суд буни инобатга олиб, Райҳонни вақтинчалик озодликка чиқарди.

Фалончи "бизнесмен" эса қамоқдан чиққан хотинни ҳам, фарзандни ҳам тан олмади. Эвазига "шумқадам" нисбатига "лойиқ" кўрилиб, паттасини тутқазди. Бироқ ҳеч қайси идорада мушкули осон бўлмади. Аксинча, номи "шантажчи"га чиқди, "судланган"-лиги писанда, "иккинчи хотинлик"ка рози бўлгани таъна қилинди...

Қаерга, кимга мурожаат этмасин, барибир қўлидан ҳеч нарса келмади. Чунки, Райҳон... ҳуқуқсиз!. Аниқроғи, унда ўз ҳақ-ҳуқуқларини оила қонунчилиги доирасида ҳимоя қилиш имконияти чегараланган. Яъники, алимент ундириш учун тўғридан-тўғри судга мурожаат этолмайди. Негаки, икки ўртада "ЗАГС" йўқ. Бунинг учун аввал оталик фактини белгилатиши керак. Оталик фактини эса суд белгилайди. Ушбу жараён бошданоёқ дахмазанинг ўзи. Мабодо, мўъжиза рўй бериб, бу жараён амалга ошган тақдирда ҳам фақат алимент масаласини ҳал этиш имконияти туғилади. Алиментки, миқдори роса борса, фалончи "бизнесмен" маошининг ўттиз фоизи миқдорини ташкил этиши мумкин. Минг чираниб, бунга муваффақ бўлгандан кўра, Райҳон ҳолатидаги одам суд, экспертиза, адвокат хизмати... ва ҳоказо чиқимларни норасидага сарфлашни маъқул кўрмайдими?.. Тўғри, қонунларимизда оналик ҳуқуқи зиёда муҳофаза қилинган, қачонки қонуний турмуш қурганларга! "Иккинчи хотинлик" эса, минг шаръий бўлмасин, кўриб турганингиздек ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас. "Иккинчилар" – рисоладагидек бека, вафодор хотин, суюкли ёр бўлиши мумкин, шунга қарамай унда "биринчи"-дек ҳуқуқ ва имтиёз йўқ.

"Сизнинг кошонангиз – бизнинг кошона эмас"да!..

"Биринчи" – никоҳ даврида топилган мол-мулкнинг ярмига даъво қилиши мумкин, "иккинчи" эса йўқ;

"Биринчи" – мабодо, эри уч йилдан ортиқроқ муддатга "кесилиб" кетса, вояга етмаган фарзандлар борлигидан қатъи назар, ўртадаги никоҳни судсиз (ФҲДЁ идорасининг ўзида!) бекор қилишга ҳақли, шунда ҳам алименту бошқа таъминотларга нисбатан даъвоси сақланиб қолади, бундай ҳуқуқ "иккинчи"нинг тушига ҳам кириши мумкинмас;

"Биринчи" – ҳатто ҳомиладорлик даври учун собиқ эридан таъминот ундириш ҳуқуқига эга, "иккинчи" ўзи у ёқда турсин, туққан боласи учун алимент олишида минг бир ғурбатга дуч келади...

...қисқаси, ҳуқуқ ва имтиёзи мўллиги боис эр "биринчи"дан ўлиб қутулолмаслиги мумкин, "иккинчи"дан эса истаган пайтда воз кечиш имкониятига эга...

Мана, "биринчи" ва "иккинчи"-нинг мухтасар ҳуқуқий ҳолати. Масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳатларидан кўра, кўпроқ ҳуқуқий томонига эътибор берилиши боиси – дўппи тор келганда барибир қонундан ечим топилади. Қонун эса, дод-фарёд, ялинишу ўртанишларни кўтармайди. Унинг талаби темирдан қаттиқ – бўйсуниш керак, вассалом!..

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 126-моддасини ўқиймиз: "Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Шу ўринда савол туғилади: модомики, қонунда (оила қонунчилигида) "иккинчи" қарийб ҳуқуқсиз, кўпхотинлик жиноят экан, нега бу ҳол амалиётда камайиш ўрнига тобора кўпайиб бормоқда?! Ҳар тўртта бойваччанинг бештасида хотин битта эмаслиги бугун кўпчиликка сир эмас. Шунга қарамай айни шу модда билан жавобгарликка тортилиш ҳолатлари йўқ даражада! Сабаб?..

Саволнинг жавобини юқоридаги модданинг ўзидан топиш мумкин. Эътибор беринг, 126-моддани баён қисмида икки ёки ундан ортиқ хотин билан "умумий рўзғор остида яшаш"ликка алоҳида урғу берилмоқда. "Умумий рўзғор" деганда битта ҳовли, битта том остида истиқомат қилиш тушунилади. Акс ҳолда, жавобгарлик хусусида гап бўлиши мумкинмас. Фалончи "бизнесменнинг" "кўпхотинлик" айблови бўйича жавобгарликдан қутулиб қолганининг боиси ҳам шунда. Йўқса, аллақачон ковуши тўғриланган бўлмасмиди?! Демак, Райҳоннинг собиқ эри устидан ёзилган шикоятлар жавобига ҳуқуқий жиҳатдан эътироз билдириш қийин: "...у (фалончи бизнесмен) хотин-бола-чақаси билан бошқа манзилда, Сиз билан эса умуман бошқа манзилда яшаган, бу ҳол "умумий рўзғор остида яшади" деганн эмас, баски, фалончи бизнесменнинг хатти-ҳаракатларида "кўпхотинли бўлиш" жинояти таркиби йўқ...". Чамамда, қўшхотинликка қарши янги, аммо амалиётда синалган, самара берадиган қонунларни ишлаб чиқиш вақти келгандир.

Муаммо фақат таъминотда эмас. Илгариги замонда фақат бойлар хотин устига хотин олгани каби ҳозирги кунда ҳам ўзига тўқларнинг айримлари устма-уст уйланишга иштиёқманд. Гап кундошлар ўртасидаги "рақобатда"! Эр бермоқ – жон бермоқ, ахир?! Кундошларнинг зардасию ғалваси, муҳаббатию нафратидан қанча эркак юрак хуружига йўлиққани, қанчаси чопонни елкасига ташлаб чиқиб кетганию, яна қанчаси хонумонидан мосуво бўлганига ҳаётда мисоллар кўп, латифалар ҳам... Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотинлар, уларнинг макри олдида ЖК 126-моддасида кўрсатилган жазо чораси бамисоли мукофотдай кўринишни мумкин.

"Иккинчи хотин" ким?

Кўринадики, кўпхотинлик масаласида эркакнинг сувдан қуруқ чиқиш эҳтимоли кенг, "биринчи"-нинг ҳуқуқий даражаси катта. Демак, муаммо фақат "иккинчиликка" рози бўлган аёлдами? Бу саволга жавобан "икки дунёда ҳам "иккинчи" бўлиш керакмас!" дейишдан осони йўқ. Агар масалага баландроқ мезонлардан туриб ёндашилса, бундай қараш бироз баҳсли экани ойдинлашади.

Аслида-ку, ҳар кимнинг қўшгани билан қўша қариганига нима етсин. Бироқ тақдир ҳаммани бирдай сийлайвермайди. Шу маънода "иккинчилик" қисмати раво кўрилганларни айблайвериш ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. Ҳаёт ҳақиқати деганда нималар назарда тутилмоқда?..

Гап шундаки, ҳаётда эркаклар ва аёллар ўртасида сон жиҳатидан (ҳуқуқий жиҳатдан эмас) тенгсизлик мавжуд. Тенгсизликка сабаб бўладиган омиллар кўп: туғилиш, умр кўришдан ташқари касбга боғлиқ кутилмаган мусибатлар, маҳбуслик, "кўча жанги"дан то катта урушларда, асосан, эркаклар қурбон бўлади. Хўш, "тенгсизлик ичра тенги топилмаган" аёллар нима қилсин?! Хоҳлайдими ёки йўқ, кимдир "иккинчиликка" рози бўлса, бошқаси жазманликни ихтиёр этади, фоҳишаликнинг туб сабабларидан бири шунда бўлса, эҳтимол... Балки шу боис ҳам кўп хотинлик жиноят ҳисобланса-да, "айбдор"га ялангоч қўлга тутқич бермаслик имконияти ҳавола этилгандир? Қонунда қўшмачиликни енгил бўлмаган жиноят, фоҳишаликни эса маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида қайд этилишининг сабаби ҳам шунга келиб тақалмасмикан?!

Мана энди масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари хусусида икки оғиз гап айтиш фурсати етди. Алоҳида таъкидлаш жоиз, "иккинчи" бу жазман дегани эмас. Жазманнинг йўриғи бошқа: у(лар) учун ўйнаш – соғин сигирдай гап. Муносабатлар муваққат эканини билади. Бунга тайёр ҳам. Моддий таъминотдан муаммо бўлмаса бас, акс ҳолда бошқаси билан "топишиб" кетавериши ҳеч гапмас. Энг ёмони, жазман билан фоҳиша орасидаги масофа бор-йўғи бир қадамни ташкил этади (фоҳиша ҳар куни камида биттасининг кўнглини "овлайди", жазман эса "эски"дан қутулиб, янгисини топганда!).

"Иккинчи"ни – "енгилтак аёллар" тоифасига ҳам қўшиб бўлмайди. Бундай аёлларнинг кўпчилигида уй-жойи, еб-ичиши жойида, ҳатто эри ҳам бор. Фақат эрнинг эътибори етишмайди, холос. Ва бунга "исён" сифатида ими-жимида "чап"га юрмаслигига кафолат йўқ...

"Иккинчи", Райҳон мисолида айтадиган бўлсак, жазман ва "енгилтак"дан фарқли равишда, ҳар қандай муносабатда ҳалоликка интиладики, шу сифати билан ҳурматга лойиқ. Шу сифати билан ҳаром-хариждан сақланмаяптими? Шу сифат сабаб битта бўлса ҳам "валади зино" туғилишининг олди олинмаяптими? Қай гўрдан орттирган боласини "деддом"га ташлаб, кайф-сафо қилиб юрганларга тенглаб бўладими ўша тоифадаги "иккинчи"ни?..

Хотин тута билиш ҳам маданият!

Кўпхотинлик нафси бузуқлар, ахлоқсизлар удуми, деб қараляпти. Фақат айш-ишрат илинжида юрганларгина иккинчи хотин қилади, тасаввуримизда. Лекин мантиқан ўйлаб кўрилса, жинсий ҳаёт нафақат никоҳда, балки чўри ёки ўйнаш тутишда ҳам, фоҳиша хизматларидан фойдаланишда ҳам назарда тутилади. Ва анча арзонроқ, соддароқ кўринишга эга. Қолаверса, бу иллатларга жиддий тус бермаймиз, вақтинчалик бир қизиқиш, ёшликдаги шўхлик, деб қараймиз. Шунинг учун никоҳ ҳам, кўпхотинлилик ҳам бу — аввало жавобгарлик, шахснинг етукликка эришиш омили – муҳим ишларни ажратишни ўрганиш, компьютерда ўтиравермаслик, футбол томоша қилавермаслик, ўз устида ишлаш, фарзандларга вақт ажратиш, хотин(лар) ва бошқа оила аъзолари билан тўғри муносабат қура олиш, моддий тарафдан мустақилликка эриш ва ҳоказолар.

Эркак шаклланиши учун асосий омил жавобгарликдир. Хотин ва фарзандлар эса жавобгарлик талаб этади. Бир неча хотин эса ундан ҳам каттароқ жавобгарлик, воқеъликка тўғри қарашни талаб этади.

Қисқаси, кўпхотинлик икебана етиштириш эмас, балки маданиятнинг энг юқори чўққиси. Нафақат кўпхотинлик, балки хотин тутиш ва хотин бўлиш маданиятидан узоқлашишимиз халқ сифатида заифлигимиздан, чаласаводлигимиздан ва ижтимоий онгсизлигимиздан дарак беради. Баъзида майда нарсадек туюлган одатлар жамиятга ўта катта таъсир кўрсатиши мумкин. Умид қиламизки, ҳар ким ўз ҳаёти ва тақдири учун тўғри йўлни танлайди!

Дилдора ИБРОҲИМЗОДА

МУСТАҚИЛЛИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Мустақиллик йўли узоқ ва машаққатли бўлиб, халқимизнинг зўравонлик, зулм ва мутеликка қарши исёнлари давомли равишда рўй бериб турган. Ана шундай озодлик учун курашлардан бири 1916 йил Жиззахда бўлганини барча юртдошларимиз яхши билишмаса керак. Чор Россияси мустамлакачиларининг жабр-зулмидан азоб чеккан халқнинг кўчага чиқиши тарихда Жиззах қўзғолони номи билан қолди. Унинг тарихий аҳамияти шундаки, у эзилган халқнинг эрк ва озодлиги, ҳақ-ҳуқуқи учун мардонавор курашчиларни майдонга чиқарди. Жафокаш элнинг онгу тафаккурида мустамлакачилик ва зулмга қарши бирлашиб курашиш орқалигина озодликка эришиш мумкинлиги ҳақида умид уйғотди.

АБДУРАҲМОН ЖЕВАЧИ — *эрк ва озодлик курашчиси*

Чор Россияси подшоси Николай II нинг «Туркистон ўлкасининг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган аҳолисини мардикорликка олиш (аслида биринчи жаҳон урушига жўнатиш) ҳақида»ги фармони аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Натижада ўлканинг Хўжанд, Самарқанд, Фарғона, Каттақўрғон ва Жиззах шаҳарларида намойишлар бошланди. Жиззахда бошланган намойиш эса 13 июлда қўзғолон тусини олди. Шаҳар халқи Жиззах уезди ҳокими подполковник Рукиндан мардикорликка ёзилганлар рўйхатини талаб қилди. Ҳоким бунга жавобан шаҳар халқига қарши қурол ишга солмоқчи бўлганида қўзғолончилар томонидан ўлдирилди. Қўзғолонни бостириш учун Туркистон генерал губернатори томонидан сафарбар этилган ҳарбий кучларга қарши халқ мардонавор жанг қилди. Ўша даврда Самарқанд вилоятининг Жиззах уездидаги бу воқеалар аниқ мақсад — Россиядан ажралиб, мустақилликка эришиш учун уюшган тарзда олиб борилган.

Қўзғолон арафасида Жиззахда ҳам бутун ўлкадаги каби зулм-зўравонлик, адолатсизлик ҳукмрон эди. Аҳоли асосан, дон, ғалла етиштириш билан машғул бўлган. Чор Россияси томонидан сайланган ҳокимларнинг турли солиқ йиғимлари халқни бутунлай ҳолдан тойдирган. Маҳаллий аҳоли ерлари тортиб олиниб, рус аскарлари оилаларига берилган. Одамлар турмуши ва оилада қора қозонни қайнатишда катта қийинчиликка дуч келган.

Жиззах уезди бошлиғининг маълумотномасида қайд этилишича, аҳолининг иқтисодий аҳволи шу даражада оғир бўлганки, улар қишдан баҳорга чиққунча, гадой даражасига тушиб қолган. Садақа билан кун кўриб, бир бурда нон у ёқда турсин, тариққа ҳам зор бўлган.

Собиқ Совет даврида Жиззах қўзғолони ҳақида ёзилган барча мақола, тарихий рисола, илмий диссертацияларда бу исён дин пешволарининг қутқуси билан рўй берган, деб нотўғри талқин қилинди.

Аслида қўзғолон миллий озодлик ҳаракати кўринишида эди. Қўзғолоннинг бошида халқ озодлигини кўришни орзу қилган ўзбек элининг мард ўғлонлари турардилар. Улардан бири Абдураҳмон жевачи (Абдужабборов) эди. У бой ҳам, диндор ҳам эмасди. У Форишнинг Кўҳнабозор қишлоғида яшаган, аскарлар жанг вақтида киядиган кийим — жева тўқиб, деҳқончилик қилиб кун кечирган. Шунинг учун бўлса керак, халқ ўртасида ҳам Жевачи лақаби билан танилганди.

1916 йил 15 июль куни Абдураҳмон жевачи бошлиқ қўзғолончилар Форишдаги пристав Бориллани қўлга олиш учун маҳкама биносига юриш бошлайди. Аммо у чўл орқали Жиззахга қочиб кетади, қўзғолончилар эса бошқа рус амалдорини ўлдирадилар. Жевачи бошлиқ қўзғолончиларни Сангзордан Тўрақул Тўрабеков раҳбарлигидаги аҳоли ҳам қўллаб-қувватлаб уларга қўшилади. Зомин халқи ҳам жиззахлик озодлик ҳаракати аъзоларига хайрихоҳлик билдирадилар. Мустақиллик учун курашаётганлар Бухоро амирига мактуб йўллаб ёрдам сўрайдилар. Бироқ бу мактуб сотқин миршаблар қўлига тушиб, амирга етиб бормайди. Рус босқинчиларига қарши курашда Жиззах атрофидан тўрт минг одам йиғилади. Кимдир қўлига кетмон, лўм билан озчилик халойиқ эса милтиқ билан душманга қарши чиқади.

Жиззах қўзғолончиларига Чор ҳукумати бешафқат муносабатда бўлди. Мустабид ҳукумат халққа қарши 13 рота солдат, 2 та артиллерия қисми, казак отряд-лари ва сапёрларни юборади. Улар деярли қуролсиз оломонни шафқатсизлик билан қириб ташлашади. Рус аскарлари Жиззахни, кейин Зоминни эгаллайди. Сангзорда қўзғолончилар тутдек ўққа тутилади.

Озодлик учун кўчага чиққан халқ тўқнашувда мағлубиятга учрайди. Уларга бошчилик қилган Абдураҳмон жевачи ва унинг шерикларидан 50 киши қўлга олиниб қатл эттирилган, уч минг фуқаро ҳибсга олинди. Қўзғолон иштирокчилари беаёв жазоланиб, уйларига ўт қўйилди. Қишлоқлар вайрон этилди.

Жиззах фожиаси ҳақида бир гуруҳ жадидчилар Петербургга бориб подшоҳ думасига арз қилганлар. Дума ўша замонда комиссия тузиб, қўзғолон сабабларини ўрганишга юборади. Ўша комиссияга раҳбарлик қилган Чор ҳукумати вакили А.Керенский думага топширган ҳисоботида шундай ёзади: Мен Жиззах вайроналарини бориб кўрдим, жаноблар, мен икки фронтда — Кавказ ва Ғарбий фронтда бўлганман, лекин бунақа қирғинбаротни кўрмаганман.

Абдураҳмон жевачи бошчилик қилган озодлик ҳаракатининг асл мақсади — ўлкада чоризм зулмига, мардикорликка одам олинишига қарши кураш бўлган. Эрк ва озодлик учун курашган Назирхўжа Эшон, Муҳаммад Раҳим, Абдурахмон жевачи ва бошқаларнинг хатти-ҳаракати чор ҳукумати ва совет мафкурачилари томонидан ўша пайтда қаттиқ қораланди. Бироқ уларнинг мустамлакачиликка, зулм ва қуллик кишанларига қарши кураши миллий мустақиллик учун курашлар тарихида ўчмас саҳифа бўлиб қолди. Афсуски, тарих саҳифаларида XIX аср охири XX аср бошларида халқимизнинг эрки, мустақиллиги учун курашга отланиб, бу йўлда жонини қурбон қилган озодлик яловбардорларининг ҳаммасининг ҳам номлари йўқ. Озодлик учун курашганларнинг аксарияти эса исёнчи, фитначи, бузғунчи сифатида ёш авлод онгига сингдирилди. Ўз юрти, жонажон қишлоғини жабр-зулмдан халос этишга отлангани, халқнинг тинка-мадорини қуритган мустабид тузумга қарши курашгани учун уларга озодлик курашчилари эмас, босқинчи тамғаси босилди. Қарийб, саксон йилдан ортиқ вақт мобайнида барчамиз бундай бўҳтонларга ишониб келдик. Минг шукурлар бўлсинки, мустақиллик туфайли Жиззах қўзғолонида олд қаторда турганлар номи оқланди. Улар озодлик, мустақиллик курашчилари сифатида янги ўзбек тарихи китобларидан жой олди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ватан Ҳуррияти йўлида Рус босқинига қарши чиққан озодлик ҳаракати аъзоларининг ҳаёт йўли Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб қайта тиклана бошланди. Бундай эзгу ишлар бугунги кунда ҳам давом этаётир. Жумладан, яқинда Форишлик ижодкор педагог Анвар Жавлонов Абдураҳмон жевачи ҳақида яна бир тарихий ҳақиқатни руёбга чиқарди. Анваржон Жевачининг бугунги кунда ҳаёт бўлган авлодлари билан суҳбатлашиб, уларнинг хотираларини ёзиб олди. Тарихий маълумотларни қайта ўрганиб, «Тоғ бургути» деб номланган тарихий қиссани ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилди. Китобда Абдураҳмон жевачининг бутун ўй-хаёллари, орзу умидлари акс этган. Албатта, халқимиз ватан озодлиги учун курашганларни унутмайди, уларни қаҳрамон деб билади.

Айюб ЖУМХУРОВ,
Жобир ХЎЖАҚУЛОВ

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат гранти ажратилган **"Ўтмиши улуғ халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади"** номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.*

БАДИИЙ ТАФАККУРИМИЗ ЭВРИЛИШИДА



«Жаҳон адабиёти» журналининг ўрни

САНА

Мустақилликнинг биринчи даражали даракчиси ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани бўлса,маънавиятимиз ва адабиётимиз тараққиётининг шу йўналишида муҳим аҳамиятга эга ҳодисалардан бири “Жаҳон адабиёти” журналининг нашр этила бошлаши бўлди.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти бу журналнинг таъсис этилишига алоҳида эътибор бергани бежиз эмас.

Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиши жаҳон харитасида эндигина пайдо бўлган янги давлатга мутараққий жаҳон халқлари ва давлатлари эътиборини тортиш ҳамда ватандошларимизни кенг миқёслардаги халқлар, миллатларнинг тарихи, бугуни, яшаш тарзи, урф-одатию адабиёти, маданияти ва маънавияти билан таништириш, улар билан ошно қилиш истиқболимиз олдида турган вазифалардан эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Жаҳон адабиёти” журнали ўзининг дастлабки сонларидан бошлаб шу кунгача зиммасидаги мазкур вазифаларни ихлос билан бажариб келмоқда. Сир эмас, ҳозирги замонда ноширчилик, газета, журналларни чоп этиш, буни уддалаш, айниқса, молиявий жиҳатдан ўз-ўзидан амалга ошадиган иш бўлмай қолди. Шу маънода, давлатимиз журналга барча масалаларда ҳомийлик қилиб келаётгани ва журнал, унинг жамоаси бу эътиборга муносиб жавоб беришга интилиб келаётганини таъкидлаш ўринли бўлади. Зеро, “Жаҳон адабиёти” йигирма йилдан буён мўлжалдаги барча сонларини белгиланган муддатидан деярли кечиктирмай чоп этиб келаётган нашрлардан биридир.

Ушбу журнал жаҳон адабиётининг ўзбек тупроғидаги ўзига хос қўнғироқчасидир. Унинг саҳифаларида жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан тортиб шу кунларда яратилаётган сара намуналаригача она тилимизга ўгирилиб чоп этилмоқда. Авваллари таржима иши бизда кўпинча, рус тили орқали амалга оширилгувчи эди. Мустақиллик шарофати боис мамлакатимизда ўнлаб Шарқ ва Ғарб тилларидан – аслиятдан ўгирувчи таржимонлар авлоди етишиб чиқди. Сўнгги салкам чорак аср мобайнида “Жаҳон адабиёти” журнали саҳнида янги ўзбек таржимонлар мактаби ташкил топди ва ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида ўзига хос, мустаҳкам ўрин эгаллади.

Журнал хориж адабиёти намуналарини, шунчаки, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб чоп этиш билан чегараланади, деб ўйлаган киши янглишади. Журналнинг ўз ижодий юзи, ўз услуби ва талаблари, шу типдаги бошқа журналлар ўрганса, ибрат олса арзигулик жиҳатлари бор.

Масалан, у ўзбек адабиётининг жаҳон миқёсига чиқишга арзигулик мумтоз вакилларидан тортиб, замонавий намояндаларининг асарларидан ҳам намуналар бериб боради ва тўғри қилади. Замонавий мумтоз шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ҳали кенг китобхонлар оммасига таниш бўлмаган – XX асрнинг нодир намуналаридан бири деб аташга арзигулик.

“Иккинчи тумор” трагикомедияси; шоир ва ҳукмдор аро муносабатлар аввалги қарашлардан тубдан фарқли ўлароқ ва тарихан холис, тўғри, айни вақтда жамият ва сарой интригаларидаги айрим “сирли” жумбоқларнинг замини бадиий гавдалантирилган Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” драмаси ана шундай асарлар сирасига киради.

“Жаҳон адабиёти” саҳифалари ёзувчи-шоирларимиз учун дунёнинг турли бурчидаги турли йўналишдаги адибларнинг маҳоратларидан сабоқ олиш билан бирга, Нобель совриндорларининг мукофот олиш муносабати билан сўзлаган нутқлари билан мунтазам равишда таништириб бориши, қолаверса, мамлакатимиздаги каттадан-кичик қалам аҳлининг, адабиёт ихлосмандларининг ҳам миллий, ҳам башарий маънода ўзлигини англаш, ҳам гуманист инсон, ҳам гуманист ижодкор бўлиш борасида ниҳоятда қимматли сабоқлар беради.

“Жаҳон адабиёти” ўз ўқувчиларини халқаро миқёсдаги адабий жараёнда рўй бераётган шу кунги улкан ҳодисалар билан таништириб боради. Беларусь адибаси Светлана Алексиевичнинг “Уруш аёллар иши эмас” романининг журналда эълон қилиниши журналнинг китобхонлар талабига сезгирлигига далил бўла олади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Журнал ўзбек китобхонлари қарашлари ва тушунчаларига айрим янги адабий-бадиий маълумотларни ҳам олиб кирмоқда. Кичик бир мисол. Журнал Бернард Шоу қаламига мансуб “Пигмалион” номли роман-пьесанинг икки вариантдаги таржимасини эълон қилди.

Тўғри, асар аслида драма жанрига мансуб ва саҳнага мўлжалланган. Бироқ унинг ўқилиш учун мўлжалланган хусусиятлари ҳам бисёр экан. Шу боис уни мутахассислар роман-пьеса деб атайдилар. Журнал шу тариқа бизга кўп ҳам маълум бўлмаган роман-пьеса тушунчасини олиб киради. Мен бу, арзимасдек туюлувчи мисолни нима учун келтиряпман. Шунинг учунки, яқинда, “Шарқ юлдузи” журналимизнинг янги сонларидан бирида Эркин Аъзамовнинг “Танҳо қайиқ” драмасини ўқиб қолдим. Ўқидим-у, “Жаҳон адабиёти”да танишганим Шоунинг “Пигмалион”и хусусидаги роман-пьеса деган фикр хотирамга келди. Мен бу билан, ана, Э.Аъзам бу масалада Б.Шоудан таъсирланибди, демоқчи эмасман. Балки Эркин бу асарни ўқимагандир ҳам. Бу – типологик ҳодиса бўлиши ҳам мумкин. Мен ушбу ўринда бошқа бир фикрни айтмоқчиман. Гап шундаки, “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинаётган сўз санъатининг ниҳоятда ранг-баранг палитрали намуналари бизга ўз адабиётимизнинг мумтоз даврларидан то шу кунгача яратилган ва яратилаётган намуналарини улар билан солиштиришга, қиёслаб ўрганишга жуда катта имкониятлар яратади. Бу ниҳоятда муҳим ва керак имкониятдир. Ўзбек бадиий тафаккурининг жаҳон миқёсидаги шу жараёнда тутган ўрнини, унга қўшаётган ҳиссасини, ўзлигини, бу масаладаги таъсир ва типологияларни аниқлаш ва кўрсатишга имкон берувчи муҳим ва катта имкониятдир. Бу масалага чуқурроқ эътибор берсак ва уни чуқурроқ ўргансак, бадиият масаласида ҳам, ижтимоий муаммолар талқинида ҳам адабиётимиз халқаро миқёсдаги сўз санъатининг илғор сафларида бўлгани ва ҳозир ҳам шундай эканига гувоҳ бўламиз. Бу эса, ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардангина эмас, адабий-маданий йўналишда ҳам Ўзбекистон нуфузини жаҳон миқёсида мустаҳкамлаш бўлади.

Биз жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига ўгириш борасида кўплар ҳавас қилса арзигулик ишларни амалга ошираётганимизни эътироф этган ҳолда, афсуски, ўзбек адабиётининг хориж тилларига ўгирилиши масаласи шунга адекватгина эмас, ҳеч бўлмаса, яқин дея олмаймиз. Тўғри, бизнинг адабиётимизни бошқа тилларга ўгириш масаласи, ўзимиздан ташқари, кўп жиҳатдан ўзгаларга ҳам боғлиқ, албатта. Лекин бу борада, биз ташқаридаги сусткашликдан ибрат олмаслигимиз керак, деб ўйлайман. Бу – ўзимиз ҳам ташаббус кўрсатишимиз мумкингина эмас, зарур бўлган масаладир. Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги” ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишни ҳамда тарғиб қилиш” масалаларига бағишланган фармойишида белгиланган вазифалар бу масалага ҳам алоҳида эътибор беришни тақазо қилади.

Бу борадаги ишни жонлантириш ва жадаллаштириш учун “Жаҳон адабиёти” журналига илова тарзида ёки алоҳида бир кичик мунтазам нашр тарзида ўзбек адабиётининг сара намуналарини чет тил(лар)да чоп этиш масаласини ўйлаб кўриш керак эмасмикан?

“Жаҳон адабиёти” кутубхонаси сериясида 30 жилдлик асарлар нашр этишга киришилаётганини эшитиб жуда қувондик. Шу мўлжалнинг охиридаги 5 жилд ёки унинг давомидаги 5 жилд ўзбек адабиётининг, дейлик, инглиз тилига ўгирилган сара намуналаридан иборат бўлса, деган таклифимиз бор.

Турон, Туркистон, Ўзбекистон ҳаётига дахлдор ҳодисалар ҳамда қаҳрамонларга бағишлаб ёзилган хорижий муаллифларнинг асарлари журнал саҳифаларида ёритиб бориш тажрибаси ҳам эътирофга муносибдир. Озарбойжон адиби Ҳусайн Жовиднинг “Амир Темур” драмаси, Амин Маалуфнинг “Самарқанд”, турк адиби Явуз Баҳодир ўғлининг “Хоразм ўт ичида” каби асарларни ўқиб, китобхонларимиз ватанимиз ва унинг фарзандлари сиймоси жаҳон адабиётида ёритилишидан воқиф бўладилар.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, халқимиз ва унинг машҳур фарзандлари, тарихи, маданиятига бағишланган хориж муаллифларига мансуб асарлар уч-тўрт саноқ билан чегараланмайди. Улар, бисёр, шу маънода, “Жаҳон адабиёти” журнали бу масалага аҳён-аҳён эмас, мунтазам равишда эътибор берса, ва ҳатто алоҳида рукн очиб, унинг деярли ҳар бир сонида бадиий асарлар билан бир қаторда публицистик асарлар, мақолаларни ҳам чоп этиб борса ва кейинчалик бу йўналишдаги асарлар бир рукн остида жамланиб нашр этилса, ёмон бўлмасди, деб ўйлайман.

Журналнинг, ҳеч шубҳасиз, янги давр ўзбек адабиётига янги шакллар кириб келиши, қарор топа бошлаши, янги оқимлар кириб келишида фаол ва баракали таъсири бор. Бизга Кафка, Камю, Жойс, Сартр асарлари бир неча ўн йиллар илгари ҳам тамомила бегона эмас эди. Уларни ўқиганмиз. Лекин Ғарбда ва умуман, бутун дунёда машҳур бўлиб кетган бу адибларнинг асарлари билан “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифалари орқали янада яқинроқ, кунт билан танишиш, наинки ёзувчиларимиз услуби, балки кенг китобхонларимиз оммаси бадиий дидининг бойишига фаол таъсир кўрсатди.

Шу ўринда бир масалани алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади. Юқорида номлари зикр этилган адибларнинг ижодий тажрибаси билан яқинроқ танишган адибларимиз ҳамда асарларини ўқиган китобхонларимиз улардан бизни маънавий ва бадиий жиҳатдан бойитиши мумкин бўлган нималарни ўрганишимиз ўринли-ю, нималар бизнинг менталитетимиз, миллий адабий-бадиий тафаккуримизга мос эмаслигини идрок этишга ҳаракат қиладиган бўлдилар. Бу масалада кўр-кўрона таассуб натижасида айрим муваффақиятсиз асарлар пайдо бўла бошлади. Матлуб таъсирланиш ва тажрибаларга ижодий ёндашув натижасида эса О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммедов, Э.Аъзам, О.Отахон, Н.Эшонқул, А.Аъзам, И.Султон каби ёзувчиларимиз ижоди ва умуман, уларнинг айрим асарлари мисолида замонавий ўзбек адабиётида янги услуб, янги шакл, янги оҳанглар пайдо бўлди.

Яна бир масала. Кафка, Камю, Жойс, Сартр, Фолкнер ҳамда Ғарб модерн шеъриятидаги айрим илғор, тушунарли бадиий ҳодисалар бизнинг ўзбек, айниқса, мумтоз адабиётимиз, хусусан, шеъриятимиз, хоссатан, тасаввуф ғоялари ифодаланган ва илгари сурилган асарларимиз учун бегона эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бу йўналишда тегишли илмий тадқиқотлар олиб бориш, назаримда, янги-янги илмий самаралар бера олади, деб ўйлайман.

Айни вақтда, деярли мунтазам равишда эълон қилиниб келаётган бадиият ва фалсафа уйғунлигига доир Ғарб мутахассислари, адабиётшунос ва адиблари қаламига мансуб Э.Фроммнинг “Менинг эътиқодим”, Ж.П.Сартрнинг “Экзистенциализм тўғрисида”, А.Бретоннинг “Сюрреализм ҳақида” сингари ўнлаб мақолалар орқали адибларимиз, турли босқичдаги адабиёт муаллимлари, талабалар ва магистрантлар, шунингдек, адабиёт ихлосмандларини дунё миқёсидаги янги ва бахсли адабий-назарий билимлар ҳақида қимматли илмий маълумотлар билан таништириш борасида муҳим ишларни амалга ошираётганини таъкидлаш ўринлидир.

Ва ниҳоят, “Жаҳон адабиёти” журналининг сиёсатдан, турли мафкуравий зуғумлардан холи, мустақил ижодий йўлни танлаган нашр эканини тасдиқловчи бир мисол келтириш билан ушбу фикр-мулоҳазаларимни якунламоқчиман.

Фотиҳ Чингизнинг Ўрта Осиё ҳудудларига, хусусан, ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи бизнинг муқаддас тупроққа қилган қирғинбарот юришлари тарихан барчага маълум. Шу маънода у ҳақдаги асар бизнинг мамлакатда чоп этилмаслиги ўзини тўла оқлаши мумкин эди. Лекин фотиҳнинг мураккаб ва зиддиятли қиёфаси акс эттирилган Исай Калашников қаламига мансуб, жаҳоннинг кўпдан-кўп тилларига ўгирилган ва насрнинг катта жанрида ёзилган “Қаттол аср” ҳамда унинг узвий давоми бўлган “Қувғувчилар” романини чоп этиб, сиёсат, мафкура ёхуд тарихий ихтилофлар эмас, адабий-бадиий лузумлар (принцип)лар ўзининг етакчи ва асосий принципи, республикамиз эса бу масалаларда толерантлик ва гуманистик муносабат бўлишини ҳамда бадиий ижод масалаларида чекланишларга йўл қўймай, эркинликка алоҳида эътибор беришини намойиш этди. В.Яннинг деярли саксон йил аввал яратилган “Чингизхон” романидан сўнг Калашников асари бу фотиҳ ҳақида ўзбек адиблари ўз она тилида ўқиётган илк салмоқли асарлардан биридир.

Фаолиятининг 20 йиллиги мамлакат миқёсида адабий байрам сифатида кенг нишонланаётган “Жаҳон адабиёти” журналининг ижодий жамоасига янгидан-янги ютуқлар тилаб қоламиз.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик

ТААССУРОТ

Бобониёз Қурбонни мен таниқли рассом, Ўзбек миллий академик драма театрида узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган заҳматкаш инсон сифатида биламан. Бундан ташқари, Бобониёз ака кейинги пайтларда таржималар ва бадиий ижодга ҳам қўл ура бошлади. Хусусан, у таржима қилган “Брехт билан сўнгги учрашув” (муаллиф Жоржо Стреллер) эссеси “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилди ва Мар Байжиевнинг “Дуэль” трагедияси айни кунда Ўзбекистон сатира театри томонидан саҳналаштирилмоқда.

ИРОДАДАН ЯРАЛГАН ЖОН

Яқинда Бобониёз Қурбоннинг “Турон замин зиё” нашриёти томонидан жорий йилда чоп этилган «Шамолнинг сувратиь» хотира-эссесини ўқиб, таъбир жоиз бўлса, муаллиф, унинг ҳар бир сатрини кўзда ёш билан ёзганини ҳис этдим. Негаки, хотира-эсседа муаллиф ўз фарзанди, истеъдодли мусаввир, шоира, Шаҳло Қурбонованинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилган.

Бир тасодиф деймизми, дўхтирларнинг хатоси ёки масъулиятсизлиги туфайлими, Шаҳло 11-12 ёшларидан қандли диабет хасталигининг оғир кўринишига мубтало бўлади.

Сир эмаски, бунга ўхшаш сурункали, доимо инсулинга муҳтож кишилар одатда, меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлади. Аниқроғи, у ногиронга айланиб, кейинги ҳаёти мобайнида ўзини авайлаш, даволаш билан овора бўлади. Энг ёмони, доимий равишда бошқаларнинг қарови ва парваришига муҳтож бўлиб кун кечиради.

Шаҳло эса оғир дардга чалинганига қарамасдан, мактабни аъло баҳолар билан тугаллаб, мусаввир бўлиш мақсадида П.Бенков номидаги Республика рассомлик коллежини, кейинчалик эса миллий рассомлик ва дизайн институтини ҳам битиради. У хасталигига қарамасдан, қанчадан-қанча тўрт мучаси соппа-соғ инсонлар ҳавас қиларли даражада умр кечирди. Шаҳло ниҳоятда ўзига хос йўналишда чизган суратларни кўриб ҳайратга тушади одам. Бундан ташқари, унинг шеърлари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Шеърлардаги ҳиссиётлар, дардлар унча-мунча дийдаси қаттиқ одамнинг ҳам қалбини эритиб юборади.

Яхши кунни кутиб юрагим толди,
Танамдаги жоним илашиб қолди,
Умид юрагимга арғимчоқ солди,
Бу рангин оламни дил севиб қолди.

Ҳа, Шаҳло гарчи беморликда, ҳаётининг ҳар бир кунини оғриқ ва азоб ичида яшаса-да, ҳаётни севишдан ва ижод қилишдан бир зум ҳам тўхтамади. У сўнгги нафасига қадар ўз севган машғулоти — бетакрор картиналар яратиш, дардли шеърлар битишдан тўхтамади. Ҳолбуки, биз — соғлом инсонлар вақтимизни елга совуришдан, ҳаётда асосий мақсадимиз қолиб, иккинчи ва учинчи даражали юмушлар билан банд бўлишдан заррача афсусланмаймиз.

Шаҳло касаллиги туфайли илк севгисини рад этишга мажбур бўлди. Кейинчалик бошқа инсон билан оила қурса-да, хасталик боис фарзанд кўрмади.

Хотира-эссе муаллифи Бобониёз Қурбон ва рафиқаси ҳар бир ота-она каби, албатта, қизининг дардидан қаттиқ изтироб чекади. Унинг дардига шерик бўлиб, даво излаб чарчамади. Яхшики, орамиздаги имонли-диёнатли, хайр-саховатли инсонлар энг зарур пайтларда бу оилани маънавий, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Хотира эсседаги воқеалар, Шаҳлонинг оғир хасталик билан умрининг охиригача матонат билан курашиб яшагани, шубҳасиз, ҳар биримизни теран мулоҳазага толдиради. Инсон умри бебақо, тириклигининг ҳар бир фурсатини инсон фақат яхши ишларга, бошқаларга яхшилик қилишга ва умуман, инсон бўлиб яшашга сарфласагина, у чинакам инсоний ҳаёт кечирган ҳисобланади. Китобни ўқиб чиқиб, Шаҳлонинг мана шундай умрни яшаганига шоҳид бўлдим.

Абдумажид АЗИМОВ

Гавҳар сўзлар

ДЎСТ ТУТМОҚ ЗИКРИДА

Эй фарзанд, билғилки, то киши тирикдур, дўстсиз бўлмағусидур. Кишининг дўстсиз бўлғонидин биродарсиз бўлғони яхшидур. Бир ҳакимдан сўрдилар: “Дўст яхшироқдурму ё биродар?” Ҳаким айтди: “Дўст бўлса яхшидур”.

Демак, дўстнинг иши ҳақида ўйлағил, уларга ҳадялар бермоқ, мурувватлар қилмоқ била дўстлик қоидасин маҳкам қилғил. Нединким, ҳар киши дўстларни ёд қилмаса, дўстлар ҳам ёд қилмағусидур ва ул киши ҳамиша дўстсиз қолғусидур.

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилғил, зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тутилур ва фазилати кўпаюр. Лекин ҳар вақт янги дўст топсанг, кўҳна дўстларни тарк этмағил ва улардин юз ўгурмағил, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсун, дебдурларки, яхши дўст кишига улуғ ганждур. Одамлар ҳақида ўйлаб кўрки, улар сен била дўстлик йўлига кирарлар, аммо ярим дўст бўлурлар. Шулар била соз муносабатда бўл ва улар била ҳар турлук яхши ва ёмонда муттафиқ (иттифоқ) бўлғил, токи улар сендин кўп яхшиликларни кўрса, тадриж била (аста-секин) кейинроқ якдил дўст бўлурлар. Бир кун Искандардин сўрдиларки: “Бунча оз сармоя била бу мардикор кўп мулкни қандай хислат била қўлга киргуздинг?” Искандар жавоб бердиким: “Талаттуф (раҳмдиллик) била душманларни қўлга киритдим ва тааҳҳуд (аҳд қилиш, сўз бериш) йўли била дўстларни йўлга солдим. Бу жиҳатдин шунча мамлакатни қўлга олдим”.

Яна билғилки, дўстларнинг дўстлари ҳам дўстларингдур. Эҳтимолки, унинг ўша одамга дўстлиги сенинг дўстлигингдин кўпроқдур. Агар дўстинг сенинг душманингни севса, бундай дўстдин эҳтиёт бўл, нединким, бундай дўст душман тарафидин сенга ёмонлик қилишдин ҳам андиша қилмағай. Сенинг дўстингга душман бўлғон дўстдин ҳам парҳез этғил.

Ҳар дўстким, сендин ҳеч сабабсиз гинали бўлса, унинг дўстлигидин тамаъ қилмағил ва жаҳонда ундин айблироқ ва ундин ҳам ёмонроқ бўлмағай.

Билғилки, жаҳонда айбсиз одам бўлмас, аммо сен салоҳиятлиғ, мурувватлиғ бўл, нединким, бундайларнинг айби кам бўлур. Мурувватсиз, фазилатсиз кишини дўст тутмағилки, бундай кишининг хосияти бўлмас ва уларни нон дўстлари зумрасидин тутғил, нединким, улар нон дўстидурлар, ор ва номус дўсти эмасдурлар.

Яхши, ёмон одамни билғил ва икковига ҳам дўстлик қилғил. Яхшиларга кўнгул била ва ёмонларга тил била дўстлик қилғил, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиғи сенга нисбатан ҳосил бўлсун, нединким, кишининг ҳожати танҳо дўстиға тушмагусидур. Бир вақт бўлурки, кишининг ҳожати зарурат юзидин ёмонларға ҳам тушғусидур. Демак, бу икки тоифанинг ҳам дўстлиғин ҳосил қилғил.

Ақлсиз одамлар била ҳаргиз дўст бўлмағал. Ақлсиз дўст ақлли душмандин ёмонроқдур, чунки ақлсиз дўст шундоқ иш қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватлиғ илмлиғ ва вафолиғ кишиларни дўст тутғилки, то сен ҳам ул фазилатлар била янада машҳур бўлгайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, ҳунарсиз (илмсиз) кишилар била ўлтурмағил. Беҳунар била ўлтурғондин танҳолиғ яхшироқдур. Ҳаргиз дўстларнинг ҳақин зоеъ қилмағил, то сендин маломат қилмасунлар.

Одамлар икки гуруҳ бўлурлар: бири — дўстларнинг ҳақин зоеъ қилғувчи ва бири — яхшиликни яхши билғувчи. Билгилки, дўстликка лойиқ одамни икки нарсадин билса бўлур: бири улки, дўстиға тангдастлик етишғон вақтда қудрати етгунча молин дўстидин дариғ қилмас ва қашшоқлик вақтида ундин юз ўгирмас, яна бири улки, дўсти бу жаҳондин ўтғондин сўнг ҳам ул дўстининг фарзандларин, қариндошларин ва дўстларин талаб қилғай, уларга яхшилик кўргузғай. Гоҳ-гоҳ дўстининг мозори зиёратига борғай ва ҳасрат чекиб, дуолар қилғай.

(“Қобуснома”дан)

«Самарқанд зиё тарқатувчи»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.
Ватан равнақи, халқимиз турмуш тарзини юксалтириш борасида амалга ошираётган эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.
Ишда ва оилада тинчлик ҳамроҳингиз бўлсин!



Reklama

Hizmatlar litsenziyalangan



Reklama

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«Асака» банк

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МАНФААТЛИ-2017»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Reklama

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2700 Буюртма — S-9448 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Топшириш вақти — 20⁰⁰ **Топширилди** — 18⁰⁰

ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Жобир Хўжақулов
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**